Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 78 (7. 167) ◎ 1990 йил 6 апрель, жума ◎ Баҳоси 3 тийин



◎ ИЛҒОРЛАР. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-тўқув участкасининг ёш ишчилари Муҳтарам Қурбонова ва Назира Азаматова. Т. Каримов сурати.

Тонгги газеталарда

◎ **«Гражданларнинг миллий тенг ҳуқуқлилигига тажовуз қилганлик ва СССР Иттифоқи территориясининг бирлигини зўрлик билан бузганлик учун масъулиятни кучайтириш тўғрисида» Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни ҳамда мазкур Қонунни кучга киритиш тартиби тўғрисида СССР Олий Советининг қарори эълон қилинган.**

◎ **КПСС Марказий Комитети секретарларининг 4 март куни Латвия Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзоларини ва аъзолигига номзодлар билан бўлиб ўтган учрашуви ҳақида, СССР Олий судининг навбатдаги пленуми ҳақида расмий хабарлар берилган.**

Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитети VI пленумининг қарори

XXIV ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ВА УНГА ДЕЛЕГАТЛАР САЙЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

1. Навбатдаги XXIV Тошкент вилоят партия конференцияси вилоят партия комитетининг мажлислар залида 1990 йил 25 майда чақирилсин.

2. Конференцияда муҳокама қилиш учун қуйидаги масалалар киритилсин:

1) Қайта қуришни таъминлаш юзасидан қилинган ишлар ва вилоят партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида. Вилоят партия комитетининг ҳисоботи.

2) Вилоят партия ташкилоти тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.

3) «Инсонпарварлик, демократик социализм сари» КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури лойиҳаси тўғрисида.

4) КПСС Устави лойиҳаси тўғрисида.

5) Сайловлар:

— вилоят партия комитетини сайлаш;

— вилоят партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясини сайлаш;

— Ўзбекистон Компартияси XXII съездига делегатлар сайлаш;

— КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш.

6) КПСС ва Ўзбекистон Компартияси марказий органлари таркибига вилоят партия ташкилотидан номзодлар тўғрисида.

Ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳалари билан боғлиқ масалалар биринчи масала юзасидан қилинган маърузада ифодаланиши мақсадга мувофиқ деб топилсин.

3. XXIV вилоят партия конференциясига вакиллик нормаси 250 КПСС аъзосидан бир делегат қилиб белгилансин.

Коммунистлар сони вакиллик нормасига тўғри келадиган бошланғич партия ташкилотларида вилоят партия конференциясига делегатлар партия йиғилишлари ва конференцияларида тўғридан-тўғри ёпиқ овоз бериш йўли билан сайланиши ва уларнинг ваколатлари шаҳар ҳамда ноҳия партия конференцияларида кейин тасдиқланишига рухсат берилсин. Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегатларини сайлаш бўйича ҳам ана шундай тартибга риоя қилишга рухсат берилсин.

4. Вилоят партия комитетининг ташкилий-партиявий ва кадрлар иши комиссиясининг вилоят, ноҳия (шаҳар) партия конференцияларига делегатлар сайлаш ва раҳбар органларни тузиш тартиби тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин (илова қилинмоқда).

5. Ноҳия (шаҳар) партия ташкилотларидан тушган барча таклифларни умумлаштириш, ўрганиш ва кенг муҳокама қилиш асосида кун тартибидаги 5- ва 6-масалалар бўйича таклифларни олдиндан кўриб чиқиш юзасидан вилоят конференцияси делегатлари орасидан комиссия тузиш зарур деб ҳисобласин.

6. Область партия комитетининг бюроси ва комиссиялари ташкилотчилик ишларини авж олдирсинлар, конференция делегатлари, меҳнат коллективлари, бошланғич партия ташкилотлари, оддий коммунистлар билан бамаслаҳат конференция ҳужжатларини тайёрласинлар.

Соғлиқни сақлаш муаммолари— диққат марказида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган журналистлар билан суҳбат соғлиқни сақлаш муаммоларига бағишланди. Республика Соғлиқни сақлаш министрлигининг раҳбарлари журналистларнинг жуда кўп саволларига жавоб қайтардилар.

Журналистлар билан суҳбатда тиббий муассасаларнинг моддий-техника базаси замонавий талабларга мос эмаслиги, кадрлар, юқори малакали мутахассислар етишмаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Буларнинг ҳаммаси аҳолига тиббий хизмат кўрсатишга таъсир этмоқда. Болалар ўлими, юқумли ва бошқа касалликларнинг тарқалиши юқори даражада қолмоқда. Тармоқ раҳбарлари ана шу муаммоларни ҳал этиш режалари ҳақида сўзлаб бердилар.

(ЎзТАГ).

ҲАМЖИҲАТЛИК АСОСИ—ДЎСТЛИК

Америка Қўшма Штатларидан келган «Френдшип форс» («Кучимиз — дўстликда») ташкилотининг делегацияси етти кун мобайнида Ўзбекистон ҳаёти билан танишди. Делегация чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа соғлом жамиятлари уюшмасининг таклифига биноан СССРда меҳмон бўлиб турибди.

Меҳмонлар Самарқанд ва Бухорога бордилар, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Улар меҳнат коллективларида бўлиб, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти фаолларининг онлаларида кўп вақтларини ўтказдилар, совет кишиларининг турмуши билан танишдилар.

Тошкент шаҳар ижроия комитетида суҳбат бўлди.

Америка делегациясининг раҳбари Пол Антон чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятида бўлган учрашувлар ҳамда суҳбатлар вақтида республикада делегация аъзолари меҳмондўстлик билан кутиб олинганлигини таъкидлади. «Френдшип форс» аъзолари ўз ишини халқ дипломатияси асосида олиб борар эканлар, деб таъкидлади у, дўстлик ҳамжиҳатликнинг мустаҳкам асоси эканлигига ишонадилар. Ана шу дўстлик одамларни ажратиб турган барча тўсиқларни енгиб ўтади, бир-биримизни яхши билиб олишимизга имкон беради.

(ЎзТАГ).

Мафкуравий комиссия мажлиси

Тошкент шаҳар партия комитети мафкуравий комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Мажлисда Тошкент шаҳар ҳисобот-сайлов конференциясига тайёргарлик билан, В. И. Ленин туғилган кунининг 120 йиллигини, меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик кунини, Совет матбуоти кунини, Радио кунини, Германия фашизми устидан қозонилган Ғалабанинг 45 йиллигини нишонлашга доир умумшаҳар тадбирлари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Мафкуравий комиссия аъзоларидан ана шу тадбирларнинг ўтказилишини ташкил этувчи ишчи комиссиялари тузилди.

Мафкуравий комиссия мажлисини комиссия раиси, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари К. Р. Расулов олиб борди.

КПСС XXVIII съезди олдидан: партияни янгилаш

МАЪНАВИЙ СОФЛИК УЧУН

БОШЛАНҒИЧ партия ташкилотининг навбатдаги йиғилиши давом этарди. Кейинги масалага ўтилганда бюро аъзолари бир-бирларига савол назари билан ажабланиб қарашди. Негаки, ташкилотнинг тарихида илк бор КПСС сафидан чиқаришларини сўраб ёзилган ариза муҳокамага қўйилаётганди. Коммунистлар сафидан чиқишга қатъий қарор қилган Виталий Омольченко ёш эмас, унинг партияга қабул қилинганига 15 йил бўлди. Демак, у шунча йиллик партия стажига ҳам эга. Шундай бўлганидан кейин уни шу фикрга келишга нима мажбур этди экан? Бюро аъзоларининг кўпини ана шу савол ташвишлантираётган эди. Шунинг учун ҳам улар Виталий Омольченкога турли саволлар билан мурожаат этишди. Баъзи коммунистларга ўхшаб суст эмаслиги, жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этишини таъкидлашди. Суҳбатдан шу нарса аён бўлдики, Виталийнинг КПСС сафидан чиқиши фавқулодда ҳол эмас. У охирги оқибатни ўйлаб бу ишга қўл урган. Партия ташкилотларида интизомнинг бўшашиб кетгани, назоратнинг йўқлиги Виталийнинг ўз фаолиятига охирги нуқтани қўйишга олиб келган. Бундай ҳоллар 12-қурилиш трести партия ташкилоти фаолиятида ҳали ҳам такрорланиб турибди. Аммо ўз ўрнида партияга қабул қилишларини сўраб, трест партия ташкилотига келиб тушаётган аризаларнинг сони ҳам камайгани йўқ. Бир сўз билан айтганда, ишчан, мулоҳазали, партия учун ҳамиша курашга шай кишиларни КПСС сафига қабул қилишга талабчанлик кучайтирилаяпти. Шу йўл билан бошланғич партия ташкилоти сафларини сон жиҳатидан эмас, балки сифат жиҳатидан ўстириш ҳаётий эҳтиёжга айланмоқда.

— Бошланғич партия ташкилотимизда 132 коммунист, 3 та КПСС аъзолигига кандидат бор, — дейди биз билан суҳбатда трест партия ташкилоти котиби Шаҳриёр Мирзабеков. — Улар бешта партия ташкилоти, иккита партгруппага бирлашишган. Ҳозирги вақтда КПСС сафига тасодифий шахсларни эмас, қийин шароитда ҳам партияга ёрдам берадиган, уни қўллаб-қувватлайдиган кишиларни қабул қилиш керак. КПСС Марказий Комитетининг бошланғич партия ташкилоти ҳуқуқларини ва ролини оширишга йўналтирган ана шу йўли эндиликда муҳим аҳамият касб этмоқда. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурида айтилганидек, «Партиявий омма бевосита ролининг оширилиши партиянинг асоси бўлган бошланғич ташкилотлар ҳуқуқларини кенгайтиришни тақозо қилади. Улар жорий пайтдаги вазифаларни ва конкрет шароитларни ҳисобга олиб, ўз тузилиши, фаолият программаси ва шакллари, йиғилишларни, сиёсий тадбирларни ўтказиш даврийлиги ва тартибга оид масалаларни ўзлари масъулият билан ҳал этиш, уларга юқори партия органлари, конференциялар ва съездларнинг ишига ва қарорларига реал таъсир кўрсатиш имконини берадиган қоидалар ва тартиблар асосида ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлишлари керак». Биз ҳам шу Ҳаракат дастуридаги бу фикрларни қўллаб-қувватлаймиз.

Ҳозир ёшларни партияга қабул қилишни бошланғич партия ташкилотимизнинг ўзи ҳал этмоқда. Бу аслида тажриба бўлса ҳам, лекин, ижобий натижа бериши аниқ. Негаки, тажриба биринчидан, бошланғич партия ташкилотларининг мустақиллигини оширади. Иккинчидан, шу партия ташкилотларининг ёшларни партияга қабул қилишдаги масъулиятини кучайтиради. Учинчидан, бизнинг сафимизга тасодифий кишиларнинг кириб қолишидан ҳоли бўламиз. Ҳисобот-сайловлар даврида биз шу тажриба асосида 14 кишини ўз сафимизга қабул қилдик. Натижада бошланғич партия ташкилотидаги сафимиз партиянинг оғир кунларида қурашдан қочмайдиган, масъулиятли, жанговар ва софдил кишилар ҳисобига кўпайди.

Партияга қабул қилишда яна бир тажрибани амалга ошираяпмиз. Ҳозир партияга киришни хоҳлаган кишиларнинг ҳаммасини ҳам қабул қилавермаймиз. Биз шу ариза берган кишиларни резервлар составига қўшиб қўямиз. Айни пайтда резервда 13 киши бор. Асосан ишчи ёшлардан иборат. Уларни бир-икки, ҳатто уч-тўрт йил мобайнида синаб борамиз. Кейин эса коммунистликка энг лойиқини талаб, сафимизга қўшамиз. Масалан, яқинда ғишт терувчи Эшқобил Нормўминовни кандидатликка қабул қилдик. Унинг партияга кириш ниятида ёзган аризасига уч йил бўлди. Шу йиллар мобайнида у жамоат ишларида фаол қатнашди. Мажлисларда сўзга чиқиб, трестимиздаги камчилик ва нуқсонларни дадил очиб ташлади. Шу камчилик ва нуқсонларни бартараф этишда трест маъмуриятига яқиндан ёрдам берди. Хуллас, биз уни коммунист деган шарафли номга лойиқ деб топдик.

КПСС сафига қабул қилишда ҳозир ошкораликка ҳам эътибор берилмоқда. Аниқроғи, айниқса, ёшларнинг партияга қабул қилишларини сўраб берган аризалари коллективда кенг ҳал қилинаяпти. Чунки, ҳар бир ишчи ёки хизматчини коллектив аъзолари беш қўлдек билади. Ўтган йили бетончи Шавкат Боқиевни КПСС аъзолигига у ишлаб турган бригада коллективининг умумий мажлиси лойиқ деб топди. Бу шубҳасиз партия сафига тасодифий кишиларнинг кириб қолишининг олдини олади.

Бошланғич партия ташкилотида партия ўқувига ҳам катта эътибор берилмоқда. Ҳозир трестда 5 та сиёсий мактаб, 10 та ўқув пункти ишлаб турибди. Уларда мамлакатимизда ҳамда чет элда рўй бераётган воқеалар, айниқса КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури материаллари ҳамда КПСС Марказий Комитетининг февраль (1990 йил) Пленуми қарорлари кенг тарғиб қилинмоқда. Ўз ўрнида шу сиёсий ўқувга резервдаги кишилар ҳам жалб этилмоқда. Чунки, партияга кириш истаги бўлган одам ҳозирги партия сиёсатидан, мамлакатимиз ҳамда унинг ташқарисидаги воқеалардан хабардор бўлиб туриши керак.

Трест коммунистлари эндиликда ўзларининг яқинда бўладиган ҳисобот-сайлов йиғилишига, қолаверса, партиямизнинг XXVIII съездига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Бошланғич партия ташкилоти составида турган коммунистлар шу съездгача ўз фаолиятларини қайта қуришга, янгилаб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Мақсад битта: у ҳам бўлса, коммунистларнинг обрўсини тиклаб, халқ ишончини қозониш.

Ғ. ЮСУПОВ,
«Тошкент оқшоми» жамоатчи мухбири.

Ноҳия (шаҳар), вилоят партия конференциясига, Ўзбекистон Компартияси XXII съездига, КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш ва раҳбар партия органларини тузиш тартиби

Бу ишни уч босқичга бўлиб ўтказиш мўлжалланмоқда.

I БОСҚИЧ

Бошланғич партия ташкилоти комиссияси.

Комиссиялар ҳар бир бошланғич партия ташкилотида, шунингдек ишлаб чиқариш ёки ҳудудий аломатларга кўра тармоқлар сифатида ташкил этилиши мумкин.

Комиссиялар таркиби партия мажлиси, партбюро ёки номзодлар кўрсатиш учун бирлашган камсонли партия ташкилотлари вакиллари йиғилиши қарори билан белгиланади.

Комиссия:

а) бошланғич партия ташкилотининг сайлаб қўйиладиган органларига, шунингдек КПССнинг юқори сайлаб қўйиладиган органларига кўрсатиш учун номзодларни кўриб чиқади ва тавсия этади;

б) ноҳия (шаҳар), вилоят партия конференциясига, Ўзбекистон Компартияси ва КПСС съездларига делегат қилиб тавсия этилувчи номзодларни кўриб чиқади ва тавсия этади;

в) ҳисобот-сайлов йиғилиши (конференцияси)га танлаб олинган номзодлар бўйича таклифлар киритади.

Изоҳ:

Ҳар бир бошланғич партия ташкилоти юқори органларга номзодлар сайлаб, тавсия этиши шарт эмас.

У ёки бу номзодларнинг ўзи сайлаб қўйиладиган раҳбар органларга ҳам, делегатликка ҳам тавсия этилиши мумкин.

Бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши (конференцияси):

— ўзи сайлаб қўйиладиган раҳбар органларини сайлайди;

— ноҳия (шаҳар), ҳисобот-сайлов конференциясига делегатлар сайлайди;

— XXIV вилоят конференциясига, Ўзбекистон Компартияси XXII съездига, КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш учун, шунингдек, КПССнинг сайлаб қўйиладиган юқори раҳбар органларига сайлаш учун номзодлар тавсия этади.

Изоҳ:

15 дан ортиқ КПСС аъзоси бўлган бошланғич партия ташкилотларида котиб сайлаш тартибини (уларни йиғилишлар (конференциялар)да тўғридан-тўғри яширин овоз билан сайлаш ёки партком, партбюро мажлисларида сайлашни) йиғилиш (конференция)нинг ўзи ҳал қилади.

Коммунистлар (конференция делегатлари) комиссия томонидан тавсия этилган номзодларни истаганча қайтариш ва бошқа номзодларни кўрсатиш ҳуқуқига эгалар.

Ўз сафларида 250 ва ундан ортиқ КПСС аъзоларини бирлаштириб турган бошланғич партия ташкилотлари шаҳар, ноҳия партия комитетлари билан келишувга мувофиқ бевосита вилоят партия конференциясига делегатлар сайлашлари мумкин.

II БОСҚИЧ

Ноҳия (шаҳар) партия конференцияси делегатларидан иборат комиссия:

Комиссия ишлаб чиқариш ёки ҳудудий аломатларига кўра делегатларнинг тармоқ йиғилишларида ноҳия (шаҳар) партия конференцияси делегатлари ҳисобидан тўлдирилади ва партия комитети бюросининг қарори билан тасдиқланади.

Комиссия:

а) бошланғич партия ташкилотининг сайлаб қўйиладиган органларига, шунингдек КПССнинг юқори сайлаб қўйиладиган органларига кўрсатиш учун номзодларни кўриб чиқади ва тавсия этади;

б) ноҳия (шаҳар), вилоят партия конференциясига, Ўзбекистон Компартияси ва КПСС съездларига делегат қилиб тавсия этилувчи номзодларни кўриб чиқади ва тавсия этади;

в) ҳисобот-сайлов йиғилиши (конференцияси)га танлаб олинган номзодлар бўйича таклифлар киритади.

Изоҳ:

Ҳар бир делегат комиссия томонидан тавсия этилган номзодларни истаганча қайтариш ва бошқа номзодларни кўрсатиш ҳуқуқига эга.

У ёки бу номзодларнинг ўзи сайлаб қўйиладиган раҳбар органларга ҳам, делегатликка ҳам тавсия этилиши мумкин.

Ноҳия (шаҳар) партия конференцияси делегатларидан иборат комиссия:

Комиссия ишлаб чиқариш ёки ҳудудий аломатларига кўра делегатларнинг тармоқ йиғилишларида ноҳия (шаҳар) партия конференцияси делегатлари ҳисобидан тўлдирилади ва партия комитети бюросининг қарори билан тасдиқланади.

Комиссия ваколатлари конференцияда овоз бериш йўли билан (мандат комиссияси маърузасидан сўнг) тасдиқдан ўтиши лозим.

Комиссия:

а) бошланғич партия ташкилотлари, шунингдек алоҳида шахслар, коллективлар ва ташкилотлар таклифларини умумлаштиради;

б) ноҳия (шаҳар) партия ташкилоти коммунистларига матбуот, комиссия аъзолари, ёки бошқа бирор йўл орқали бошланғич партия ташкилотлари томонидан юқори партия комитетларининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига кўрсатилган номзодлар, вилоят партия конференцияси ва партия съездлари делегатлигига номзодларнинг тўлиқ рўйхатини маълум қилади ҳамда бу номзодларнинг муҳокамасини ташкил этади;

в) ноҳия (шаҳар) коммунистларининг кўрсатилган номзодлар ҳақидаги фикрларини ўрганади, ноҳия (шаҳар) партия конференциясига тавсия этиш учун номзодларни кўриб чиқади ва тавсия қилади;

г) ноҳия (шаҳар) партия конференциясига танлаб олинган номзодлар бўйича таклифлар киритади.

Ноҳия (шаҳар) партия конференцияси:

Сайлаб қўйиладиган ўз раҳбар органларини сайлайди;

вилоят партия конференциясига делегатлар сайлайди, улар орасидан олдиндан номзодлар танлаб олиш бўйича вилоят комиссиясига кирадиганларни тавсия этади;

вилоят партия ташкилотининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ва КПСС Марказий Комитетининг сайлаб қўйиладиган органларига ва партия съездлари делегатлигига номзодларнинг тўлиқ рўйхатини маълум қилади ҳамда бу номзодларни муҳокама қилишни ташкил этади;

в) кўрсатилган номзодлар ҳақидаги вилоят коммунистларининг фикрларини ўрганади, вилоят партия конференциясига тавсия этиш учун номзодларни кўриб чиқади ва тавсия этади;

г) вилоят партия конференциясига танлаб олинган номзодлар бўйича таклифлар киритади;

Вилоят партия конференцияси:

а) вилоят партия комитети ва назорат тафтиш комиссияси таркибини сайлайди;

б) Ўзбекистон Компартияси XXII съездига ва КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлайди;

в) Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегатлари орасидан олдиндан номзодлар танлаш бўйича жумҳурият комиссиясига кирадиган кишиларни тавсия этади;

г) Ўзбекистон Компартияси ва КПСС Марказий органлари таркибига сайлаш учун номзодлар тавсия этади.

Изоҳ:

Ҳар бир делегат комиссия томонидан тавсия этилган номзодларни истаганча қайтариш ва бошқа номзодларни кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Котиблар ва вилоят партия комитети бюроси аъзолари сайловлари конференция делегатлари томонидан қуйидаги икки схеманинг бири бўйича ўтказилиши мумкин:

а) аввал котиблар, сўнгра эса партия комитети ва бюро аъзолари сайланади;

б) партия комитетини сайлагач, конференция делегатлари партия комитети аъзоларидан котиблар ва бюро аъзоларини сайлайдилар.

Бошқаларга нисбатан кўпроқ овоз (аммо шу конференция делегатларининг умумий сонига нисбатан камида уларнинг ярим овозини) олган делегатлар сайланган деб ҳисобланади.

Овоз бериш пайтида бюллетенда ваколат нормаси бўйича қанча сайланиши керак бўлса шунча номзод қолдирилиши керак. Номзодлар мандатларга нисбатан кўпроқ қолдирилган бюллетенлар ҳақиқий деб ҳисобланмайди.

III БОСҚИЧ

Вилоят партия конференцияси делегатларидан иборат комиссия.

Комиссия:

ноҳия ва шаҳар конференциялари томонидан тавсия этилган вилоят партия конференцияси делегатлари ҳисобидан тўлдирилади ва вилоят партия комитети бюроси қарори билан тасдиқланади.

Комиссия ваколатлари конференцияда овоз бериш йўли билан (мандат комиссияси маърузасидан сўнг) тасдиқдан ўтиши лозим.

Комиссия:

а) ноҳия ва шаҳар партия ташкилотлари, шунингдек алоҳида шахслар, коллективлар ва ташкилотлар таклифларини умумлаштиради;

б) вилоят партия ташкилоти коммунистларига ва вилоят матбуоти, комиссия аъзолари ёки бошқа йўллар орқали ноҳия ва шаҳар партия ташкилотлари томонидан вилоят партия комитетининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва КПСС Марказий Комитетининг сайлаб қўйиладиган органларига номзодларнинг, шунингдек партия съездларига делегатликка номзодларнинг тўлиқ рўйхатларини маълум қилади ҳамда бу номзодларни муҳокама қилишни ташкил этади;

в) кўрсатилган номзодлар ҳақидаги вилоят коммунистларининг фикрларини ўрганади, вилоят партия конференциясига тавсия этиш учун номзодларни кўриб чиқади ва тавсия этади;

г) вилоят партия конференциясига танлаб олинган номзодлар бўйича таклифлар киритади;

Вилоят партия конференцияси:

а) аввал котиблар, сўнгра эса партия комитети ва бюро аъзолари сайланади;

б) партия комитетини сайлагач, конференция делегатлари партия комитети аъзоларидаи котиблар ва бюро аъзоларини сайлайдилар.

Бошқаларга нисбатан кўпроқ овоз (аммо шу конференция делегатларининг умумий сонига нисбатан камида уларнинг ярим овозини) олган делегатлар сайланган деб ҳисобланади.

Овоз бериш пайтида бюллетенда ваколат нормаси бўйича қанча сайланиши керак бўлса шунча номзод қолдирилиши керак. Номзодлар мандатларга нисбатан кўпроқ қолдирилган бюллетенлар ҳақиқий деб ҳисобланмайди.

РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Кеча Бектемир район I партия конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция делегатлари Бектемир район партия ташкилотини ташкил этиш ҳақидаги масалани кўриб чиқдилар, район партия ташкилотининг раҳбар органларини ҳамда XXVII Тошкент шаҳар ва XXIV Тошкент область партия конференцияларига делегатларни сайладилар, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини ва коммунистларнинг районни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш бўйича вазифаларини муҳокама қилдилар.

Бектемир район партия комитетининг биринчи секретари этиб Тошкент шаҳрининг Бектемир район партия комитетини ташкил этиш бўйича Тошкент область партия комитети ташкилий бюросининг раиси Г. И. Соболев сайланди. Район партия комитетининг иккинчи секретари этиб ташкилий бюро аъзоси М. Ш. Йўлдошев сайланди. Район партия комитетининг секретари қилиб илгари Тошкент шаҳар партия комитетининг инструктори бўлиб ишлаган Р. С. Абдуллаев сайланди.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков қатнашди.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

● **ФАЛАСТИН** Озодлик Ташкилоти расмий вакили журналистлар ҳузурида гапириб, тез кунларда Франция пойтахтида Ясир Арофат АҚШнинг собиқ президенти Жимми Картер билан учрашажаклигини хабар қилди. Улар муложотда муҳокама қилиниши мумкин бўлган мавзулар тилга олинмади. Бироқ, шарҳчиларнинг фикрича, учрашувда Фаластин Озодлик Ташкилоти ва Исроил ўртасида ўрнатиладиган алоқалар муҳокама қилинса керак.

● **ПЕНТАГОН** расмий вакили махсус брифингда сўзга чиқиб, Америка ҳарбий ҳаво кучлари ҳозирги пайтда 57 нафардан иборат қирувчи-бомбардимончи F-117 («Стелс») самолётлари бўлган флотга эга, деб хабар берди. Унинг гапларига қараганда, бундай самолётларнинг ҳар биттаси 42,6 миллион доллар туради.

● **ГЕРМАНИЯ** Демократик Республикасининг собиқ раҳбари Эрих Хонеккер Беелиц (Потсдам округи) шаҳридаги совет ҳарбий госпиталига давола-ниш учун ўтказилди. АДН ахборот агентлигининг хабарига қараганда, ГДР ҳукумати, черков вакиллари ҳамда Э. Хонеккер адвокатлари ўртасида эришилган келишувдан сўнг шундай қилинган. ГДР-нинг собиқ раҳбари яқинда ойининг охиридан буён ўз рафиқаси Маргот билан бирга Берлиннинг шимоли-шарқий томонида жойлашган Лобетале шаҳридаги Евангелия пасторлигига қарашли уйда яшаётган эди.

● **НЬЮ-ЙОРК** шаҳрида Филиппин собиқ президентининг рафиқаси Имельда Маркос иши юзасидан суд бошланди. Бир соатдан ортиқроқ маъруза қилган Федерал прокурор ёрдамчиси Дебора Ливингстоун И. Маркоснинг Филиппин ҳазинасидан 160 миллион доллар маблағни ўғирлашда ва АҚШда 165 миллион доллар баҳосида молиявий қаллобликлар қилганликда айблади. Қўйилган айблар исботлангудек бўлса, И. Маркосни 50 йиллик қамоқ ҳамда 1 миллион доллар жарима тўлаш жазоси кутмоқда.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Иқтисодий мавзуда

ИЛДИЗЛАР

—ТУЛА хўжалик ҳисоби ҳақида жуда кўп гапириляпти, — деди В. И. Ленин номидаги электрон-техника заводи директорининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Владимир Дмитриевич Булгаков, — аммо бу жорий қилинди ю бари-бир кўнглимиз унчалик тўлмаяпти. Газета, радио, телевидениедан келишиб: «Хўжалик ҳисоби қандай кетяпти?» деб сўрашади. Уларга: «Бу саволга жавоб бериш қийин, чунки ишимизга ғов бўлаётган нарсалар ҳали оз эмас», деб жавоб бераман.

Нега етакчи мутахассислар, корхоналарнинг иқтисодий хизмат раҳбарлари тўла хўжалик ҳисоби ҳақида гап борганда бундан чеҳралари очилиб гапиришмайди, доимо нимагадир кўнгиллари тўлмагандек, айримлари эса ҳатто нимадандир норози оҳангда сўз юритишади?

Одатда, дарахт кўчатини ўтқазгандан кейин аввало унинг илдиз олишига, қаддини тутиб олишига, танасига ҳаёт суви югуришига, барг чиқаришига ва ҳоказо эътибор берилади. Келинг, хўжалик ҳисобининг аввало қандай илдиз отаётганига бир назар солайлик-чи, балки баъзи бугунги иллатларнинг сабаби ўша ердадир.

...Бундан икки йил муқаддам шаҳримизда 71 та саноат корхонаси тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтди. Улар Тошкентдаги жами саноат корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг 55,4 фоизини тайёрлай бошлади. Ҳаммамиз бундан астойдил қувондик. «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги» номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси сингари корхоналар бу борада ишни муваффақиятли бошлашган эди. Янгича ишлашга пухта тайёргарлик кўриб, белгиланган режадан ошириб фойда олишга ва ундан корхонанинг моддий рағбатлантириш жамғармасини яратишга, шу йўл билан бирлашманинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишга киришдилар.

Янги шароитга ўтиш билан корхоналарда ишлаб чиқаришнинг сўнгги натижасидан моддий манфаатдорлик кучайди. Меҳнат унумдорлиги сезиларли даражада ошди. Ҳатто олдинги «оддий» йилларга қараганда 4—7 фоизга ошган корхоналар ҳам бўлди.

Яна бир қувончли нарса бўлдики, янги усулга ўтилмасдан илгари буюртма маҳсулотларини етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятлари муттасил оқсаб келарди. Дастлабки кезлардаёқ шартнома мажбуриятларини бажармаётган корхоналар сони салкам икки марта камайди. Фойда олиш режаларини барбод этиб келаётган корхоналар сони ҳам анча қисқарди. Айниқса шаҳардаги енгил саноат корхоналари жамоаларига янги усул хуш ёқди.

Бироқ янгича шароитда ишлаш кўпгина айбларни ҳам очди. Шулардан биринчиси давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни белгилаб берган ҳуқуқни бузиш бўлди, яъни Қонун корхоналар ўртасида тўғридан-тўғри шартнома алоқаларини тузишни йўлга қўйиш учун кенг имконият яратиб берган бўлишига қарамай эскича ёндошув бунга бирмунча тўсиқ бўлди. Бевосита шунинг оқибати сифатида айрим корхоналарга давлат буюртмалари ҳажми мажбуран оширилди, натижада у мустақил хўжалик юритишдан амалда маҳрум бўлди. Айрим тармоқ министрликларининг маъмурий-буйруқбозлик иллатидан ўз вақтида қутула олмаганликлари туфайли шундай бўлди. Урта Осиё электр аппаратлари, кабель, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмалари, енгил металл мосламалари заводи ана шундай қийинчиликларни бошдан кечирди.

Иккинчи энг катта ғов — бу катта ишлаб чиқариш дастури тузийлдию, моддий таъминоти масаласи ўз вақтида ҳал этиб берилмади. Бир томондан давлат буюртмаси ҳажми оширилди, иккинчи томондан бунга яраша моддий таъминот яратилмади. Натижада Урта Осиё газ автоматика, кабель ишлаб чиқариш бирлашмалари, сунъий ювиш воситалари ва бошқа корхоналар қийин аҳволга тушиб қолди.

Бошқа хил нуқсонлар ҳам содир бўлди. Улар орасида меҳнат жамоаси кенгашларини тузишда Қонундаги кўрсатмаларга тўла риоя этилмади. Унинг таркибига илғор, талабчан ишчилар ўрнига кўпроқ инженер-техник ходимларни, корхона раҳбарларини киритиш ҳоллари учради. Лак-бўёқ, «Компресор» заводи ва бошқа жойларда шундай бўлди. (Ҳатто айримларида меҳнат жамоаси кенгаши аъзолари сони асоссиз суратда икки-уч ҳисса ошиб кетди).

Ва энг катта нуқсонлардан бири тўла хўжалик ҳисоби худди сув юзасида сузиб юргандек дастлабки кезда хўжалик ичида қулоч ёзолмади, яъни у цех, бўлим, бригада, участкаларда томир отмади. Бошқача айтганда цех ва бригадаларда ҳамон эскича услубдаги иш юритиш сақланиб қолди—моддий рағбатлантириш ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг тури ва сифатига қараб эмас, ҳажм кўрсаткичларининг бажарилишига боғлиқ бўлиб қолаверди. Демак, хўжалик ҳисоби кўрсаткичлари ҳали амалда ички хўжалик режалаштирилишининг асосий омили бўлмади.

Айрим корхоналарда нега хўжалик ҳисоби кўнгилдагидек самара бермаяпти, деб ажабланмаслик учун яна бир «илдиз»га қиё боқиш лозим. Бу— иқтисодий саводхонлик масаласи. Янгича шароитга ўтиш олдидан ҳамма жойда ҳам иқтисодий мактаб ва семинарлар аъло даражада ишлади, деб бўлмайди. Иқтисодий ўқишни лекция ўқиш деб тушунган лак-бўёқ, енгил металл мосламалар заводлари, Урта Осиё кабель ишлаб чиқариш бирлашмаси каби корхоналарда кўпгина қийинчиликлар юзага келганининг бош сабабларидан бири ҳам шу эди. Умуман, ўзбек ишчилар синфи бу борада малакали мутахассисларга зор эди. Кўпгина жойларда иқтисодий таълимни олиб бораётган «лектор»ларнинг ўзлари ҳали бу борада чуқур иқтисодий билим ва тажрибага муҳтож эдилар. Масалан, дастлабки пайтларда агрегат заводининг режа — иқтисод бўлимида ишлаётган 9 ходимдан атиги 3 нафари, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида — 20 ходимдан 13 нафаригина олий иқтисодий ўқув юрти дипломига эга эди. Урта Осиё газ автоматика заводида иқтисодий хизмат бўйича 11 ходимдан бор-йўғи 4 нафари, заргарлик заводида эса 12 ходимдан 7 нафаригина иқтисодий жиҳатдан саводли эди, холос...

АФЗАЛЛИК КЎЗГА ТАШЛАНМОҚДА

БУГУНГА келиб тўла хўжалик ҳисобининг кўпгина афзалликлари намоён бўлганини тан олишимиз керак. Тўла хўжалик ҳисобининг кўзгуси бўлган фойда олиш режаси кўп корхоналарда ошириб бажарилмоқда. Масалан, тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашнинг иккинчи усулида ишлаётган ва даромадларни нормативлар асосида тақсимлашга ўтган 12 та саноат бирлашмаси ва корхонасидан ҳисоблаш техникаси ва ахборот, «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмалари, геология-қидирув, сунъий ювиш воситалари, санитария-техника жиҳозлари заводлари, республика автомобилларини созлаш ва бошқа корхоналарда бугунги иқтисодий кўрсаткичлар қандай бўляпти дерсиз? Шуни қувонч билан айта оламизки, уларда ҳозирги иқтисодий кўрсаткичлар шаҳар бўйича эришилган ўртача натижалардан анча юқори! Айниқса, уларда буюмларни етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятлари, айтиш мумкинки, қониқарли бажариляпти. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръати янги йилнинг ўтган даврида 106,8 фоизни ташкил этди. Даромад олиш режаси мўлжалдагидан тўрт фоизга ошириб адо этилди.

Шаҳарда ҳозир тўртта саноат корхонаси ижара усулига ўтиб ишлаяпти: «Ташавтоматика», техник хизмат кўрсатиш маркази, асфальт-бетон заводи ва картон таралари заводи.

Яқиндагина биз баъзи саноат корхоналари (ва қурилиш ташкилотлари)нинг фойда ўрнига зарар кўраётганидан озор чекаётган эдик. Масалан, республика Қурилиш министрлигига қарашли пардозлашқурилиш трести, 4-махсус қурилиш тресттининг 281-механизациялашган кўчма колоннаси, 153-қурилиш трести, 346-механизациялашган кўчма колонна ва бошқалар. Саноат корхоналари-чи? Октябрь инқилоби номидаги тепловоз ремонти, Тошкент ремонт заводи, 1, 2, 4, 7, 8, 12 ва 18-автопарклар, Тошкент иссиқлик, коммуникация ва энергетика ишлаб чиқариш бирлашмаси каби корхоналар зарар кўриб келарди.

Ҳозир-чи, деб сўрарсиз. Тўғрисини айтганда зарар кўриб ишлаётган саноат, қурилиш корхоналари ва ташкилотлари сони анча сезиларли даражада камайиб бормоқда. Ҳозир саноатда — икки, қурилишда—беш, таъминотда—уч, коммунал хўжалигида — икки, алоқа соҳасида —бир корхона янги шароитда фойда ўрнига зарар кўраётгани кишини тааҗжубланти рмай иложи йўқ.

Аммо барибир шаҳримиздаги хўжалик ҳисобининг бугунги аҳволига синчиклаб назар солсак шуни кўрамизки, хўжалик юритишнинг янгича шакллари тобора кенг ёйилиб боряпти. Ҳозир даромадлари нормативлар асосида тақсимланаётган, хўжалик ҳисобининг иккинчи усулига ўтиб ишлаётган 74 та корхона ва ташкилот мавжудлиги ҳам буни яққол кўрсатиб турибди. Уларда даромад олиш режалари мунтазам ошириб адо этилмоқда. Аммо беш қўл баробар эмас. Ҳали Куйбишев, Ленин, Сергели ва Фрунзе районларининг саноат корхоналари фойда олиш бўйича белгиланган топшириқ даражасига яқинлаша олмаётир. Улар шу йилнинг дастлабки ойларида 0,3 миллион сўм кам фойда бердилар. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун мисол келтирамиз. Урта Осиё электр аппаратлари ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент тўқимачилик комбинати, республика иккиламчи рангли металлар ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш заводи, иккиламчи қора металлар ишлаб чиқариш бирлашмаси, В. И. Ленин номидаги электрон-техника заводи мўлжалдагидан кам фойда бердилар.

— Бунинг устига, — деб изоҳ берди электрон-техника заводи директори ўринбосари В. Д. Булгаков, — олган фойдамизнинг етмиш фоизи давлат бюджетига олинмоқда. Агар аниқроқ қилиб айтсам, йилига бир неча миллион сўм фойда кўрсак, ўзимизнинг ижтимоий-маданий, моддий рағбатлантириш, қурилиш ва бошқа эҳтиёжларимиз учун озгинагина қисми қоляпти, холос.

Бугунги тўла хўжалик ҳисоби муаммолари фақат бу корхонадагина ўз ечимини тополмаяпти десак ҳақиқий аҳволдан кўз юмиш бўлур эди. Иқтисодий жарималар ҳам айрим корхоналарнинг молиявий аҳволини оғирлаштириб қўяётгани сир эмас. Бунинг сабаби корхоналарнинг ўзларида, яъни улар шартнома мажбуриятларини уддалай олишмаяпти. Утган йили шаҳримиз корхоналари 35 миллион сўмликдан зиёд жарима тўлашган бўлса, шунинг 6 миллион сўми бошқа корхоналар олдидаги шартнома мажбуриятларини бажармаганликлари касридандир.

Фойда олиш режаларини кўнгилдагидек бажараётган кўпчилик корхоналарнинг жамоалари эса иқтисодий рағбатлантириш жамғармаларини тўлдириб бориш, корхонада ижтимоий ривожлантириш фондини ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, фан ва техника ютуқларини жорий этиш фондини яратиш ҳақида жон куйдирмоқдалар. Айниқса қарзсиз ишлаш, ижтимоий-маданий соҳа, янги қурилишлар кишилар кўзига "дарров ташланадиган, улар кўнгилини равшан қиладиган соҳалардир. Утган йили саноат корхоналари ижтимоий ривожлантириш фондининг салкам учдан бир қисмини ижтимоий-маданий соҳа тадбирларига, капитал маблағлар бўйича харажатларни молиялаштиришга узоқ муддатли банк қарзларини узишга сарфладилар. Соғломлаштириш, маданий-оқартув тадбирларига ҳам кўпроқ эътибор бериладиган бўлиб қолди.

Аммо бугун бизни бир нарса ташвишга соляпти. Қаранг, янги усул ҳақида кўп жар соламиз ҳар ўн корхонадан бири давлат буюртмалари ва бевосита корхоналар билан тузилган буюртмаларни етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини бажармаяпти. (Утган ойларда бу 4,5 миллион сўмликни ташкил этди!) Улар орасида «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш, заргарлик, лак-бўёқ, 1-тажриба-механика заводи каби корхоналар бор.* Аммо бунинг холисона, шу корхоналарга мутлақо алоқаси бўлмаган битта сабаби мавжуд: лак-бўёқ заводига Черкасскдаги кимё заводи, «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш заводига Шарқий Сибирдаги ёғочсозлик хўжаликлари, заргарлик заводига Свердловск, 1-тажриба-механика заводига эса Новокузнецк корхоналари хом ашёни етказиб бера олмаяпти..

ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

ТАЛАБ ва эҳтиёж тобора ошиб бормоқда. Янги усулда ишлаяпмиз. Буни ҳар бир корхона ўз бошидан кечиряпти. Бирисида яхши, иккинчисида бир нави. Аммо биз эртага ҳам аҳвол шундай бўлиб қолишини истамаймиз. Ҳаммасида яхши бўлишини ҳоҳлаймиз. Бироқ бунга эришиш мумкинми ўзи? 1990 йилнинг ўтган ойларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ялпи ҳажми ҳам, ҳар кунги ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳам ўтган йилнинг дастлабки ойларига нисбатан ошди. Бу яхши умид туғдиради, албатта. Лекин айни пайтда 59 корхона ўтган йилнинг шу давридаги даражадан пастлашиб кетгани бизни ўйга соляпти. Тўқимачилик комбинати, Тошкент дон маҳсулотлари, «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш ишлаб чиқариш бирлашмалари, Тошкент трактор, экскаватор ишлаб чиқариш бирлашмалари кичик корхоналар эмас, улар шаҳримизнинг улкан корхоналари! Эртага уларда аҳвол нима бўлади? Бу ҳақда ҳар томонлама жиддий ўйлаб кўришимиз керак.

Еки шаҳримиздаги 45 корхона (Урта Осиё кабель ишлаб чиқариш бирлашмаси, экскаватор ремонти, 2-темир-бетон буюмлари заводи ва бошқалар) январь-февраль ойларида маҳсулот ишлаб чиқаришни 16,4 миллион сўмга камайтириб юборишганига не дейсиз?

Тўғри, тўла хўжалик ҳисоби шарофати билан ҳозиргача 23 та йигирув машинаси, 6 та трактор, битта электр кўприк крани, 62 та пахта териш машинасини ва бошқа кўплаб маҳсулотларни қўшимча равишда тайёрлашга эришдик. Айни чоғда 36 та экскаватор, 211 компрессор, 18 тонна лак-бўёқ, 138 минг сўмлик турли автоматлаштириш мослама ва ускуналари (уларга эҳтиёт қисмлар) кам етказиб берилганини-чи? Эртага аҳвол шундай давом этаверса, буюртмачида бу маҳсулотларни тайёрлайдиган корхоналарга ишончи қоладими?

Ҳа, агар хўжалик ҳисобини чуқурлаштирмасак, уни ҳар бир цех ва бригадада амалда жорий этмасак, бу саволларга жавоб топиш қийин бўлаверади. Ҳозир кўп ҳолларда корхона ўзи шартнома тузган корхоналар олдидагина масъулиятли. Аммо ҳамма жойда ҳам цех — цех олдида, бригада — бригада олдида худди шундай масъулиятлими? Ахир, эртага ўзаро иқтисодий масъулият қуйига ҳам етиб боради-ку.

Хуллас, мақсадимиз битта; у ҳам бўлса барча ишчилар, инженер-техник ходимлар хўжалик усулининг бевосита иқтисодий таъсирини ҳис этишсин. Ана шунда ҳар бир иш жойида уни ҳам, иш ҳақи ҳам, ташаббус ва масъулият ҳам ошади. Ана шунда тўла хўжалик ҳисоби давлатга ҳам, корхонага ҳам, ҳар бир ишчи учун ҳам самарали бўлади. Оддий меҳнатчи ўзининг корхонада зарур «винт»гина эмас, балки унинг ҳақиқий хўжайини эканлигини ҳис этади.

Ҳамид ИКРОМОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.



ИРОҚ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҲАЛҚҚА МУРОЖААТИ

⊙ БАҒДОД. Ироқ президенти Саддам Ҳусайн бугун унинг мамлакати самарали химиявий қуролга эга эканини, унинг қудрати фақат Америка ва Совет қуролидан пастроқ эканини эълон қилди. У радио орқали халққа мурожаат этиб, Ироқ ядро қуроли яратаётганлиги тўғрисидаги хабарларни рад этди ва Ғарбни Ироққа қарши «фитна»да айблади.

С. Ҳусайннинг сўзларига қараганда, Исроил ҳужум қилган тақдирда Ироқ қуролли кучлари «Исроилнинг ярмини ўққа тутади» кимда ким бизга қарши ядро қуролини қўлласа, у химия қуроли билан яксон қилинади» — деди президент. У замонавий бинар химия қуроли Ироқда Эрон—Ироқ урушининг якунловчи босқичида ишлаб чиқилганини, лекин Эронга қарши ишлатилмаганини таъкидлади.

БОЛГАРИЯДА ТАФТИШ

⊙ СОФИЯ. Болгария пойтахтида иш бошлаган комиссиянинг мақсади ялпи ҳукмронлик даврида БХР ички ишлар министрлиги хизматчилари қамоқхоналарда қилган жиноятлар ва қонунбузарликлар юзасидан тергов олиб боришда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёрдам беришдир. Ички ишлар министрлигининг раҳбар ходимларидан ташқари журналистлар, бир қанча сиёсий ва жамоат ташкилотларининг, шу жумладан оппозициядаги ташкилотларнинг вакиллари аъзо бўлган комиссиянинг биринчи мажлиси БХР ички ишлар министри генерал-полковник А. Семержиев раислигида ўтди.

БХР давлат кенгаши раиси П. Младеновнинг кўрсатмасига биноан, БХР прокуратура органлари 1959 — 1962 йилларда Ловеч ва Скравена шаҳарлари яқинида бўлган лагерларда қонунни бузиш, тўғи қунларга нисбатан ғайриқонуний муносабатда бўлиш ҳолларини тафтиш қила бошлади. Матбуотда эълон қилиниб, Болгария жамоатчилигини ҳаяжонга солган мақолаларда айтилишича, кўпгина маҳбуслар у ердаги оғир шароит оқибатида ҳалок бўлганлар.

БКП олий партия кенгашининг президиуми ваколатли давлат органларини мамлакатда шу пайтга қадар мавжуд бўлган барча лагерларда йўл қўйилган қабиҳликларни батафсил тафтиш қилишга, ҳозирги барча қамоқхоналарни БХР конституцияси ва қонунларида кўзда тутилган ҳолатга келтириш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўришга даъват этди. БКП олий партия кенгашининг президиуми қабул қилган қарорда тергов, айбдорларни суд жавобгарлигига тортиш, ноҳақ жабрланганларни оқлашнинг натижалари тўғрисида жамоатчиликни кенг хабардор қилиб туриш зарурлиги таъкидланган.

ГСДП РАҲБАРИ ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

⊙ БЕРЛИН. Германия социал-демократик партияси (ГДР)нинг раиси ва шу партиянинг халқ палатасидаги фракцияси бошқарувининг раҳбари Ибраҳим Беме ана шу ўз лавозимларидан истеъфога чиқишини айтди. Германия социал-демократик партияси (ГДР) ҳайъатининг мажлиси тугаганидан сўнг бугун шу ҳақда маълум қилинди. Илгари хабар берилганидек, ГДР социал-демократларининг раҳбари аввалги режим давлат хавфсизлиги министрлиги билан ҳамкорлик қилганда айбланганди.

И. Беме ГСДП ҳайъати аъзоларига юборган мактубида ўз қарорини давлат хавфсизлиги министрлиги ҳужжатлари билан танишиб чиққанимдан сўнг терговни яна давом эттириш зарур бўлиб қолди, деб изоҳлади. Бироқ ҳозирги сиёсий вазият И. Бемега қўйилган айблар хусусидаги масалани тезроқ ойдинлаштиришни тақозо этади. Ҳозир бундай қилиш мумкин эмаслиги сабабли у истеъфога чиқишга қарор қилди.

⊙ ВАРШАВА. Польша республикасининг президенти Войцех Ярузельский Польшага расмий ташриф билан келган Испания ташқи ишлар министри Фернандес Ордоньесни қабул қилди.

ПАП агентлигининг хабар қилишича, суҳбат чоғида президент Испаниянинг бу мамлакат Европа Иқтисодий Ҳамжамиятига ва интеграция тусидаги бошқа халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши билан боғлиқ тажрибаси билан қизиқди.

Войцех Ярузельский Польша Умумевропа интеграция жараёнига катта аҳамият бераётганлигини таъкидлаб, унинг мамлакати нуқтаи назарига кўра, икки туб муаммо — Германияни бирлаштириш билан Европани бирлаштириш жараёнини қитъадаги хавфсизлик муаммоларини албатта ҳисобга олиб уйғунлаштириш ва Польшанинг ғарбий чегараси масаласи ҳамда унинг мустаҳкамлиги ва бузилмаслигини бир хилда ва аниқ тасдиқлаш ҳамда бунга кафолат бериш зарурияти кечиктирмай ҳал этишни талаб қилаётган муаммолар эканини уқтирди.



● **ГУЗАЛЛИҚ ЯРАТУВЧИ. «Лола» упа-элик фабрикасининг мураккаб дастгоҳларни бошқарувчи ишчиси Зайтуна Бисерова.**

Т. Каримов сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Тошкент шаҳар суди қуйидаги ҳайъатда сайлансин:

Шаҳар суди раиси
Мингбоев Убайдулла Қурбонович.

Шаҳар суди раисининг ўринбосарлари
Акбаров Рустам Аҳматович.
Завьялова Татьяна Петровна.

Шаҳар суди аъзолари:
Абдуллаев Неъмат
Бабешкина Наталия Николаевна
Бекмурова Шаҳрибону Ҳўшваховна
Вавилова Любовь Евгеньевна
Васильева Людмила Георгиевна
Ғайбуллаев Жўрабой Усмонқулович
Ерицин Светлана Левоновна
Зубарева Галина Ивановна
Ибодов Диёрбек Сатторович
Иброҳимов Юсупжон Сидиқович
Йўлдошев Эркин
Қодирова Ёқутхон Акбархўжаевна
Комилова Саодатхон Асоровна
Косирева Екатерина Петровна
Қудратов Ҳамидулла Насимович
Маҳсумова Гулчеҳра Ўрунбоевна
Муратова Лола Солиевна
Назаров Тоҳир Ҳокиевич
Насриддинов Зиявуддин Шамсутдинович
Пўлатов Абдусамат Саматович
Раҳматуллаева Мухтабар Ғуломовна
Рустамов Низом Шокирович
Собиров Мухторжон
Сандов Карим Усмонович
Тошқариева Муяссар Йўлдошевна

Тошкент шаҳар суди таркибига 1988 йилнинг 1 декабридан кейин сайланганлар ҳам киради.

Шаҳар суди аъзолари:
Лисенко Ирина Владимировна
Шурова Алфия Иногамовна

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1990 йил 31 март

Куюнчаклик билан ёзилган

КЕЧАГИ РЎЗНОМА

ҚАЙСИ обуначи билан суҳбатлашманг, албатта почта ходимларидан шикоят қилишади. Еки мушторийлар шикоят қилишга ўрганиб қолишганми? Жумҳуриятимизнинг барча соҳаларида қайта қуриш кетаётган бир пайтда почта ходимлари ўз ишларини нега сust қайта қуришяпти экан деган хаёлларга борасан, киши.

Дарҳақиқат, шаҳримиз почта ходимлари хизматидан ҳозир кўпчилик норози. Умуман мушторийларга қачон аъло даражада хизмат кўрсатилади? Савол устига савол ёғилади. Агар почта хизматчилари билан суҳбатлашсангиз улар ҳам ўзларича ҳақ...

Чет эл мамлакатларида почта хизмати жуда осон ҳал қилинган-ку. Нега энди бизда бунинг иложи йўқ? Улар газета ва журналларни нонуштадан илгари ўқишади. Бизда ҳам газетхонлар газета, журналларни ўз вақтида ўқишни хоҳлашади. Шунинг учун ҳам газета, журналларга ёзиладилар. Аммо кўриб турганимиздек, почта ходимлари мушторийлар ишончини ҳамон оқлай олишмаяпти.

Ўтган йили «Комсомольская правда» ва «Ёш ленинчи» рўзномаларига ёзилгандим. Собир Раҳимов районининг 2-алоқа бўлимидагилар омон бўлишсин. Йил бўйи хунобим ошиб юрди. Бу йил ҳам ёзилмоқчи эмасдиму, шаштимдан қайтдим. Ҳамма жойда ўзгариш кетаяптику, аҳвол ўзгариб қолар дея яна газета ва журналларга обуна бўлдим. Барибир хат ва газета ташувчилар кўнгилдагидек хизмат кўрсатишмаяпти. Бунга ўхшаш мисолларни шаҳримизнинг ҳар бир алоқа бўлимида учратиш мумкин. Акмал Икромов районидаги 134-алоқа бўлими ҳам аҳолига сидқидилдан хизмат қилаётганга ўхшамайди. Бўлмаса, Шониёзовлар оиласи «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасини бир ойлаб ололмай сарсон бўлишмасди. Ана шундай совуққонликнинг меваси кўплаб норозилик хатларига сабаб бўлмоқда. Газетхонлар бу тангликни тезроқ бартараф қилишни сабрсизлик билан кутишмоқда.

Биз қайта қуриш даврида кўпроқ талаб қилишга ўрганиб қолдик. Муаммоларни ўртага қўйишни биламиз, кўпинча уларни бартараф қилиш йўллари ҳақида ўйламаймиз. Мен шунинг учун почтальон Аня Власова билан суҳбатлашишга жазм этдим. «Кундлик газеталарни баъзан ўқиёлмаяпмиз. Бунинг боиси нимада?» дея сўрадим. Аня хола бир нуқтага тикилиб узоқ турдида, чуқур хўрсиниб қўйди.

— Эй болам, қўйинглар мени. Пенсионер бўлсам, дам олай десам ҳам ораб ёна ишлашга руҳлантиришади, — дейди Аня хола. — Шу билан яна ишга киришиб кетаман. Бир томони ўзим ҳам ўрганиб қолганман. Бундан ташқари ҳозирги ёшлар ҳам почтальончиликка қизиқиб ҳам ишламас. Бир ойлаб ишлаш ҳақида жон куйдирмоқдалар. Айниқса қарзсиз ишлаш, ижтимоий-маданий соҳа, янги қурилишлар кишилар кўзига "дарров ташланадиган, улар кўнгилини равшан қиладиган соҳалардир. Утган йили саноат корхоналари ижтимоий ривожлантириш фондининг салкам учдан бир қисмини ижтимоий-маданий соҳа тадбирларига, капитал маблағлар бўйича харажатларни молиялаштиришга узоқ муддатли банк қарзларини узишга сарфладилар. Соғломлаштириш, маданий-оқартув тадбирларига ҳам кўпроқ эътибор бериладиган бўлиб қолди.

Аммо бугун бизни бир нарса ташвишга соляпти. Қаранг, янги усул ҳақида кўп жар соламиз ҳар ўн корхонадан бири давлат буюртмалари ва бевосита корхоналар билан тузилган буюртмаларни етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини бажармаяпти. (Утган ойларда бу 4,5 миллион сўмликни ташкил этди!) Улар орасида «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш, заргарлик, лак-бўёқ, 1-тажриба-механика заводи каби корхоналар бор.* Аммо бунинг холисона, шу корхоналарга мутлақо алоқаси бўлмаган битта сабаби мавжуд: лак-бўёқ заводига Черкасскдаги кимё заводи, «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш заводига Шарқий Сибирдаги ёғочсозлик хўжаликлари, заргарлик заводига Свердловск, 1-тажриба-механика заводига эса Новокузнецк корхоналари хом ашёни етказиб бера олмаяпти..

ТИРҚИШИДАН ОЙ КЎРИНАДИ

Суратли айбнома

Кечалари туйнугидан ой мўралаб, ичкарига изғирин кириб-чиқиб турган турар жой биносини кўрганмисиз? Кўрмаган бўлсангиз, кўрасиз. Бунинг учун йўлингизни тўғри мана бу суратларда тасвирланган жойга буришингизга тўғри келади. Тошкент шаҳар «Октябрь» турар жой қурилиши кооперативига қарашли Берунний кўчасидаги мазкур 9 қаватли «Матлуботчи-1» уйининг фойдаланишга топширилганига энди тўрт йил бўлди. Аммо бунга сира ишонгингиз келмайди. Ҳозирданоқ бино пойдеворидаги чинни безаклар тўкилиб адо бўлаёзди. Уста қўлини кўрмаган эшик-деразаларнинг бир нечтаси синиб кетди. Айниқса, уй томидаги ҳангомадан ёқа ушлайсиз. Бетон устидаги увадаси чиқиб кетган эски матрас, латта-путта, папирос қолдиқларн ва спиртли ичимликдан бўшаган шишалардан дилингиз хира тортади. Баъзи деразаларнинг ойналари чил-чил синдирилган, эшиклар қўпориб ташланган. Бу хўжасизликда лифтга хизмат қилувчиларнинг ҳам «роли» бор. Улар йўлни яқин қилиш учун подъездан-подъездга том орқали ўтишни одат қилишган. Бу ерда сирли топишаётган саёқ ўсмир йигит-қизлар томда папирос чекиб, эшик-деразаларни бузиб ташлашяпти.

— Жиноятчилик камайиш ўрнига кўпайиб бораётган бир пайтда, кечаларн томда саёқ кезадиган ёт кишилардан хавотирланмасликнинг иложи йўқ, — дейди уй комитетининг раиси Баҳтиёр Аъзамов. — Кўп хонадонлар ички ишлар бўлимининг марказий қўриқлаш тармоғига уланган. Аммо шундай бўлса ҳам барибир томдаги аҳволни ўзгартириш керак. Қизиқ, «Октябрь» турар жой қурилиш кооперативидаги мутасаддн ўртоқлар наҳотки буни билишмаса.

З. ҲАЙДАРОВ.



СУРАТЛАРДА: йўлакнинг синган эшиги; томдаги лифтнинг эшиги ва деразаларн ана шундай нохуш кўринишда.

Муаллиф суратларн.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«ЁПИҚ ЭШИКЛАР ОСТОНАСИДА»

«Тошкент оқшоми» рўзномасининг шу йил 13 февраль сонида ана шу сарлавҳа остида суратли айбнома босилган, жумладан унда шундай сатрлар битилган эди: «Союзпечать» дўконларн ҳам ҳамиша очиқ бўлавермайди. Масалан, Инқилоб хиёбонидаги дўкон соат 11 дан 40 минут ўтганда қулфлоғлик эди. Йўлда бундай дўконлар анчагина учради...»

Бу мақола текшириб, чора кўриш учун Тошкент шаҳар «Союзпечать» агентлигига юборилган эди. Унинг бошлиғи С. Хатамов имзо чеккан жавоб хатида шундай дейилади:

— «Рўзноманинг 13 февраль сонидаги «Ёпиқ эшиклар остонасида» мақоласида Инқилоб хиёбонида ишламаётган «Союзпечать» дўкони ҳақида фикр юритилган ва унинг сурати ҳам берилган.

Бу дўконнинг ишламаётганига сабаб шуки, у ерда қурилиш ишлари олиб бориляпти. Шунинг учун ҳам унинг ўрнига вақтинча ўрнатилган 33-АТС биноси ёнидаги дўкондан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари 500 метр масофада бошқа дўкон ҳам ишлаб турибди».

«ҚАНД ОЧИҚ САВДОГА ЧИҚАРИЛСА»

«Ҳозир шаҳримиздаги айрим магазинларда талонга берилаётган шакар билан қанд рад этилиб, олинмаяпти, — дейнлади «Тошкент оқшоми»нинг шу йил 10 январь сонида босилган ана шундай сарлавҳали мақолада. — Омборларда эса бу турдаги маҳсулот қалашиб ётибди». Хўш, бу ҳақда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг савдо Бош бошқармаси қандай фикрда!? У ердан олинган жавоб хатида жумладан шундай дейилади:

— «Мақолада кўтарилган масала юзасидан Бош бошқарма шуни маълум қиладики, шаҳар бўйича ҳар ойда аҳоли жон бошига 1,5 килограммдан шакар савдоси ташкил этиляпти. Бу тадбир Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1989 йил 24 январдаги қарорига биноан амалга оширилмоқда. Бунда ҳамшаҳарларимизнинг шакар харид қилишни тартибга солиш юзасидан кўплаб илтимосларн инобатга олинган эди.

Февраль ойида ижроия комитет қарори билан аҳоли жон бошига шакар миқдорн ҳар ойда 1,5 килограмм ўрнига 2 килограммгача кўпайтирилди. 1990 йилнинг 1-кварталига ажратилган шакар жамғармаси ва 1990 йилнинг 1 январигача бўлган шакар миқдорн бунга имкон берарди.

Ҳозирги вақтда эса ана шу ажратилган шакар жамғармаси ҳисобидан шакарни очиқ савдога чиқаришнинг имкони йўқ. Район озиқ-овқат савдоси идораларига қарашли базалардаги шакар Узбекистон ССР Министрлар Советининг 1989 йил 10 ноябрдаги 339—Р сонли қарорига кўра давлат шакар ресурслари бўлиб, сақлаш учун жамғариб қўйилган, яъни у аҳолига сотилмайди».



Советлар мамлакатида

● ЧЕЛЯБИНСК трактор заводида шахсий томорқалар ва ижарачилар учун мўлжалланган 10 от кучига эга кичик ҳажмли трактор яратилмоқда.
СУРАТДА: синовчи-инженер Н. Н. Шеповалов (ўнгда) ва слесарь-йиғувчи А. И. Белишко «Уралец» митти тракторининг дастлабки намунаси билан.

● РЯЗАНЬ. Шаҳардаги приборсозлик заводи жамоаси «Русь» туркумига мансуб мураккаб маиший электр ва радио техникасини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Харидорларда уларга эҳтиёж катта. Лазерли ҳисоб қурилмаси бўлган «Русь» видеопроигрывателя шулар жумласидандир.
СУРАТДА: технолог Ирина Вилкова приборсозлик заводининг янги маҳсулоти — «Русь» видеопроигрывателини намойиш этмоқда.

ТАСС суратлари.



Илм масканларида

ЯНГИЛИККА ИНТИЛУВЧИ КИШИЛАР

Тошкент совет савдоси техникуми жумҳуриятимизнинг барча вилоятларига саноат моллари ва озиқ-овқат моллари товаршунослиги, таом тайёрлаш технологияси, бухгалтерия ҳисоби мутахассисликлари бўйича малакали кадрлар етказиб беради. Айни пайтда техникумда икки мингдан ортиқ талаба таҳсил кўрмоқда. Уларга ўқиш ва дам олишлари учун барча имкониятлар яратилиб берилган. Тез-тез меҳнат қаҳрамонлари, шоир ва ёзувчилар, эл ардоқлаган санъаткорлар, ҳуқуқшунослар, шифокорлар билан учрашувлар бўлиб туради.

Кейинги йилларда ҳар икки ойда бирор янгиликни қўллаш бу жамоа учун анъана тусига кирди. Яқинда ўқитувчилар ва талабаларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун шарқона безаклар бериб ишланган янги дам олиш зали иш бошлади. Шунингдек, талабаларнинг «Меҳрибон» уюшмаси тузилди. Улар кексаларга ёрдам кўрсатади. Ҳали замонавий техника ўйинлари хонаси ишга тушганига унча кўп бўлгани йўқ. Яқинда жумҳуриятимиз техникумлари орасида биринчи бўлиб ҳавфтасига беш кунлик ўқишга ўтилди. Бу тажриба ҳам талабаларга қулайлик яратилиши учун амалга оширилди. Ўқув заллари, ўқув ҳисоблаш маркази, уруш ветеранлари учун алоҳида хона, ҳарбий-ватанпарварлик кабинети ишлаб турибди. Ҳар бир хонага рангли телевизор қўйилган. Турли хил таомлардан ва савдо маҳсулотларидан тайёрланган кўргазмалар зали киши диққатини тортмасдан қўймайди. Техникумнинг тарбиявий ишлар бўйича директор муовини Э. Нурмуҳамедов ўз жамоаси ҳақида шундай ҳикоя қилади:

—Ўқитувчиларимиз янгиликка интилишади, Дарс ўтишнинг янги-янги усулларидан фойдаланамиз. Бу ишда бизга техника воситаларининг кўмаги беҳад катта. Ахир, давр талаби ҳам шуни тақозо этади. Бундай педагогларимиз жуда ҳам кўп, Уларга Р. Черненко, И. Иброҳимов, М. Ғуломов, А. Тўқаев, Т. Абдурасулов, Ҳ. Мадаминов, А. Раҳимов, М. Муҳамедова, М. Ғафурова, Г. Шукурова сингари билим соҳибларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Д. САЪДУЛЛАЕВ.

Турмуш чорраҳаларида

МЕРОС ТАЛАШГАН ФАРЗАНДЛАР

Бу сатрларни ёзаяпман-у, негадир этим жунжикади. Қоғозга туширмоқчи бўлган воқеаларни бот-бот эслаган сари, инсон зотининг бунчалик тубан кетишига асло ақлинг бовар қилмайди. Нега айрим шахслар ўз манфаати йўлида одамийликни йўқотишгача бориб етишади-я! Атрофдагилар дарди билан асло ишларн бўлмайди. Бу ҳам етмагандек бойлик талашиб, судгача етиб боришади. Бундан ўзгалар азият чекса чекади-ю, мунофиқлар эса парво қилишмайди.

Хўш, нега шундай! Бу жумбоққа жавоб беришдан олдин бир воқеани баён қилай. Зеро, шундан сўнг аниқ хулосага келармиз.

...ТОЖИМУРОД шаҳардаги бозорбўй корхонада ишлади. Тагида «ГАЗ—24» машинаси. Олти нафар фарзанди вояга етмоқда. Егани — олдида, емагани — ортида. Ёрдамчи дўстлари бисёр. Опаси Санобар Ҳасанова фан доктори. Ҳар куни талабаларга билимдан ташқари, одамийликка оид бўлган гапларни кўп сўзлайди. Синглиси ҳам ўзидан тинчиган. Эри заводда ишчи. Ўзи болалар боғчасида тарбиячи. Хўш, бунинг нимаси ёмон, дейишингиз ҳам мумкин. Ҳаммасини аста билиб оласиз.

Худди ана шу сингил ўз акасини судга берган. Нега дейсизми?

Бу оила волидаси — Нурия опа устамон заргарнинг қизи эди. Якка-ю ягона фарзандига пиру бадавлат ота кўп мурувват кўрсатган. Зеб -зийнатлар у ёқда турсин, шодашода марвариду дурлар инъом қилганидан кўпчилик огоҳ. Падари-бузрукворк дунёдан ўтгач, топган-тутгани унга қолди. Турмуш ўртоғининг умри қисқа экан, урушдан қайтиб келмади. Бошқа оила қуришни истамади. Шу уч фарзанди кўзининг оқу қораси! Улар одам бўлишса бас. Бу орзу бева аёлни отадан қолган бойликни эҳтиёт қилишга ва фақат ўз ўрнида ишлатишга ундарди. Тийинма-тийин ҳисоб-китоб қиларди. Бир чақанинг бежо кетишини фавқулодда ҳол ҳисобларди. Шундай бўлгач, фарзандлари ҳам асло серхаражат бўлишмади. Йигит-қизлар онада у-бу борлигидан бохабар бўлишса ҳам, бу ҳақда асло оғиз очишмасди.

Катта қиз билан ўғил билимга ўч чиқиб қолишди. Буни англаган она уларга «йўл» очиб берди. Айтганини баҳоли-қудрат муҳайё қилди. Кичиги уй қизи бўлиб қолди. Онасига туппа-тузук кўмакчи. Бундан унинг кўнгли шод. Агарда у ҳам опаси ва акаси сингари «осмон»да бўлса борми, онанинг ҳоли нима кечарди?

Кейинги вақтда унинг хасталиги кучайиб борарди. Доктор қизи онанинг кўнгли учун ҳар куни келиб кўрар ва аҳволи анча яхшилигини айтарди-ю, нигоҳларини олиб қочарди. У охир-оқибатини яхши биларди. Онани эса сўнгги вақтда катта қизи ва ўғлининг атрофида гирдикапалак бўлиб, дамба-дам бобосидан қолган бисотни суриштириши ташвишга соларди. Нега кўзи тириклигида зурриётлари безовта бўлиб қолишди? Болаларини соғлиғи эмас, мўрида сақланаётган дўру жавоҳирлар қизиқтириб қолган. Нима қилсин? Шу ерга келганда қўли калта.

Нурия опадаги ички ваҳима унинг дардини зўрайтирарди. Балки ҳозир тириклигида ўзи бир умр ишлатмаган ва ҳатто олиб кўришдан чўчийдиган бисотни расамади қилгани маъқулмикин? Бунча улар шошилмаса.

Она касалхонага ётганда, унинг ёнидан ҳар галгидек кичик қизи жилмасди. Аслида шунга жон ато этгани учун, яратганга минг бор қуллуқ қиларди. Каттаси унинг оғир кунига ярамайди. Боласидаги кибр-ҳаво унинг тумшуғидан пастни кўра билмаслиги яхши аён. Қизи унинг юрагини эшитиб, керакли муолажани қилиши мумкин-у, аммо унинг олдида бир кун қолишга қодир эмас. Буни ўзига эп кўрмайди. Ҳаммасига ўзи айбдор. Энди эса ҳаммаси кеч. Тожимурод ҳам опасидан қолишмайди. Димоғдор, онасига ҳам калондимоғлик қилади. Аслида бундан онасининг кўнгли ранжишига ақли етмайди. Келинидан умидини аллақачон узган.

Нурия опа аҳволининг оғирлиги бонс, юраги қатидаги фақат ўзигагина маълум сирни энди болаларига ошкор қилмаса бўлмаслигини англаб, ҳовлида ҳеч ким йўқлигида эски мўрини тимирскилай бошлади. Шундай қўли етадиган жойда турган ўрмача бу гал негадир қўлига илинмасди. Ярим асрдан бери тутамаган мўри шундайлигича турарди. Унга ҳеч кимнинг иши бўлмасди. Шу боис отасидан қолган қимматбаҳо буюмларни шу ерда сақларди. Болалари қўлига тутқазиш вақти-соати келганди.

Дастлаб бармоқларига мўрининг қораси юқди, сўнг билагигача чапланди. Борингки, бутун қўлини узатдики, кўз тиккан буюми илинмади. Энди унинг ранги-кути ўча бошлади. Юраги қиниздан чиқиб кетгудек бўлиб дукулларди. Ўзи ҳам бисотини қўлига олиб кўрмаганига ҳам ўн йил лар бўлгандир. Охир мўрининг ғиштларини теша билан бузди. Балки бошқа жойга қўйгандирман, деган хаёлга ҳам борди. Аммо бир бор урушдан кейин бўлса керак, қийналиб қолишганди, бир ёқут кўзли зиракни олиб ишлатганди. Сўнг қизи докторликни ёқлаганда билакузукни сотганди. Шунга ҳам ўн йилдан ошди. Ўшанда ҳаммаси жойида эди. Борган сари кампирнинг аъзойи-баданини титроқ босиб борарди. Нима деган одам бўлди? Ўз буюмига ўзи ўғри бўлиб турса-я? Йўғ-э! Ундай бўлмаса керак! Балки пастроқ тушиб кетгандир.

— Э, худойим-э, — деганча Нурия опа ҳолдан тойиб ерга ўтириб қолди. Шу бедорлик қанча давом этганини билмайди. Ҳайрият ўғли келиб қолди:

— Ҳа ойи, сизга нима бўлди? — деганча Тожимурод уни бағрига босди. Онасини сўрига ётқизиб, телефонга ёпишди.

— Опа, тезроқ етиб келинг, оймнинг аҳволи чатоқ, — деганча онаси ёнига келиб қора-қурум ёпишган қўлларини ҳўл латта билан арта бошлади. Тожимурод волидасини ҳеч қачон бу ҳолда кўрмаганди. Аммо, нега эски мўри бузиб ташланганига ҳеч ақли етмасди. Шу дам бир фикр хаёлига лоп этиб келди-ю, ўрнидан туриб кетди.

— Ойи, нега мўрини буздингиз, — деганча онасининг кўзига эмас, лабига кўпроқ маҳтал бўлди. Аммо на кўздан, на лабдан «садо» чиқарди. Бу уни яна шоширди. Йигит опаси келмасдан бутун «сир»-ни билиб олмоқчи бўлиб, «ҳужум»-га ўтди.

— Бобомдан қолган нарсаларни топдингизми, қани улар?

Она бамисоли гунг ва соқов бўлиб қолганди. У гўё бутун сирни ўзи билан олиб кетадигандаражага етганди. Бу вазият Тожимуроднинг юрагига ғулғула солди. У нима қилишини билмай, онасининг қўлларини, ёнларини титкилаб кўрди. Онаси ётган хонага кириб, кўзи илинган жойга қўл тикди. Афсус, ҳеч нима тополмади. Унинг хаёлида марваридларни онаси аллақачон қизларига улашиб берган, деган мудҳиш ўй ўтди.

Шу дам ҳовлиқиб кириб келган Санобар Ҳасановнанинг нигоҳи ярим жон онасига тушди-ю, унинг қон томирини ушлаб укасига юзланди:

— «Тез ёрдам» чақирдингми?

— Йўқ.

— Аҳмоқ, мендан кўра «03»га телефон қилмадингми?

— Билмасам...

Профессорнинг нигоҳи онасининг қорайган елкасига тушиб, укасига ўқрайганча, ўзи «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилишга тушди. У телефон номерини тераётиб, ногаҳон бузилган мўрини кўрди-ю, симнинг у ёғидаги навбатчининг «Алло, алло» дегани ҳам қулоғига кирмай қолди. Бир зум ўзини йўқотиб қўйгач, сўнг ўзига келиб деди:

—Илтимос, тезроқ машина юборинг. Онамнинг аҳволи оғир, адрес...

Аёл трубкани шарақлатиб қўйди-ю, укасининг тепасига ҳайбат билан келиб:

— Қани бисот? — деди ўдағайлаганча.

— Билмадим! — У опасининг важоҳатидан қўрқиб, негадир титраб кетди. — Мен келганимда у киши ўзини билмасди.

— Ҳаммасидан хабаринг бор, ҳамма балони биласан, — деганча Санобар Ҳасановна пишқирарди. — Эр-хотин уни гумдон қилгансанлар, эй бола, билиб қўй тешиб чиқади.

— Болаларим ҳаққи, мен билмайман, кўрганим ҳам йўқ, тополмадим...

— А-ҳа, ҳали қидириб ҳам кўрдингми, — опаси унинг гапини бўлди, — онам бу аҳволда бўлса-ю, сен дур-гавҳарларни излагансан. Кўрнамак!..

Онасининг касалхонага тушганидан кичик қизи эртасига хабар топди. У ҳайрон. Илгарилари онаси бетоб бўлиб қолса борми, ака-опалари уни олиб келиб касалхонага тиқишарди. Бу гал уни негадир бехабар қолдиришди:

— Онажон, гуноҳкор қизингизни кечиринг! — деганча унинг оёқларига бош қўйди. Сўнг унинг қўлларини ушлади. Юзларидан ўпди. Аммо онадан сас чиқмасди. Бу фоний дунё унинг учун адо бўлгандек эди.

Шу кўйда Нурия опа бир неча кун ётди. Ундан овқат ўтмади. Одам таниш у ёқда турсин, ҳатто бирон оғиз сўз айтишга ожизлик қилди. Аммо бир кун бир оз бўлса-да, ўзига келди.

— Онажон, нима қилай, жонимни бераймн? — деганча қизи кўзларига ёш олди. Уни қарангки, она буни англади. Шу боис у «йўқ» дегандек бош силкиди. Ҳозир унга қизининг жони эмас, тинч жон бериши асқотарди. Аммо бунинг иложини топа олмаяпти. Мўридаги марварид унинг жонини ушлаб турарди.

— Ма...р...ва...рид...

— Қанақа марварид, онажон? — дея у онасининг бағрига ўзини ташлади. Она кўкрагидаги қулоқлари унинг юрак уришини йўқотиб қўйганди.

* * *

Оилани яхши билганлар онани қабрга қўймасдан уч жигар ўртасидаги ножўя гап-сўздан ёқа ушлашга мажбур бўлишди. Онасига жуда меҳрибон бўлган Ойнисa ҳам касалхонадан кела солиб, жон талвасасида эшитган сўнгги нидони оқизмай-томизмай опаси ва акасига етказди. Ва... ўз улушини талаб қилди! Тожимуродга шу етмай турган эди ўзи, жаҳл устида синглисининг юзига шапалоқ тортиб юборди. Аёл ўзини ўнглай олмай, ўмбалоқ ошиб тушди. Шу дамда чап пешонаси устун қиррасига тегиб, ёрилиб кетди. Қон тизиллаб отила бошлади.

— Жинни бўлдингми, онамнинг ўлими сенга камлик қилдими? — деганча опаси синглисига ёрдамга шошилди. Унинг аҳволи оғирлигини англаб, «Тез ёрдам» чақирди.

Онани қабрга қўйган Тожимурод синглисининг аҳволидан хабар олиш ўрнига, танишларига телефон қилди. Ойнисани касалхонадан чиқариб юборди. Унинг аҳволи уйга келгач яна оғирлашиб, касалхонага қайтиб борди. Бундай хўрликдан ва меросдан қуруқ қолган Ойниса тузалиб чиқиши биланоқ акасини судга берди. Тожимурод ишлайдиган корхона партия ташкилотига ёзган аризасида эса ўз жигарини ашаддий душмандан олиб душманга солди.

Ўлим — ҳақ, дейишади. Шундай кун келиб ёшини яшаган ота-онамиздан, борингки, яқинларимиздан айрилиш муқаррар. Буни инкор этиш нодонликдир. Тирик жонзот борки — ўлим бор, ҳеч ким бу фоний дунё учун устун эмас. Наҳотки мерос жигарларни етти ёт бегона қилиб қўйса? Нега, улар учун бисотни ўзаро келишган ҳолда бўлиб олиш шунчалик машаққат бўлса? Зеро, ҳар ким бойликни ўз меҳнати билан топгани маъқул эмасми?

Ислом УСМОНОВ,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Буни ҳамма билиши керак

Биз бир группа ишчилар, сизларга шундай савол билан мурожаат қилмоқчимиз. Айтингчи, бирор ишчи, қурувчи ёки хизматчи бевосита ишлаб чиқариш жараёнида бахтсиз ҳодисага учраса, унга қонунда қандай имкониятлар кўзда тутилган? Шу ҳақда рўзномангизда мутахассис маслаҳати берилса айни муддао бўларди.

К. ХОНАЗАРОВ,
Б. ОЛИМОВ,
Т. МАНСУРОВ,
ишчилар.

Қуйида оқшомхонларнинг йўллаган саволларига жавоб қайтарамиз.

БАХТСИЗ ҲОДИСА РЎЙ БЕРСА...

Аввало шуни айтиш керакки, иш жойида бахтсиз ҳодисаларга учраш тасодифлари юзасидан Бутуниттифоқ касаба уюшмалари Марказий кенгаши Президиуми ва СССР Давлат атом саноати назоратининг биргаликдаги янги қонуни жорий этилди. Шу йилнинг 1 январидан кучга кирган бу қонунда бахтсиз ҳодисалар билан алоқадор бир қанча масалалар аниқ ўз аксини топган. У иш жараёнида тасодифларга учраган кишиларга бериладиган имтиёзлар миқдорини ошириш билан бирга, бундай бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, корхонада ишчиларнинг хавфхатарсиз, нормал ишлашлари учун қулай шароитлар яратиб беришни кўзда тутади.

Ушбу қоидага кўра, корхона территориясида ишчиларнинг соғлиғига зиён-заҳмат етказиш билан алоқадор бўлган барча жараёнлар бахтсиз ҳодисалар туркумига киради. Бунда асосан ишчи меҳнат бурчини адо этаётган, маъмурият топшириғини бажараётган, корхона манфаати йўлида хизмат қилаётган ёки ишхона томонидан ажратилган махсус транспортда ишга келаётган ҳамда ишдан қайтаётган вақтда рўй берган тасодифлар ҳисобга олинади. Табиий ўлим, ўзини-ўзи ўлдириш ёки жиноят содир этаётган вақтда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар бундан мустаснодир.

Агар ишчи меҳнат жараёнида рўй берган тасодиф туфайли бир кунлик иш қобилиятини йўқотса ёки уни шу вақт мобайнида бошқа ишга ўтказишга тўғри келса у ҳолда тиббий хулосага кўра унинг номига Н—1 махсус формасини тўлғазиш керак бўлади. Бу хулосанинг бир нусхаси текширув жараёни ниҳоясига етгандан сўнг жабрланувчининг қўлига уч кун муддатдан кечиктирмаган ҳолда топширилиши керак. Ушбу тиббий хулоса маъмурият томонидан инкор этилган тақдирда ёки жабрланувчини қаноатлантирмаган тақдирда корхона касаба уюшмаси бу ишга аралашишга мажбур бўлади ва у ариза топширилган вақтдан бошлаб етти кун давомида бу ишни узил-кесил ҳал этиши керак.

Бахтсиз ҳодисанинг қай вазиятда рўй берганини пухта ва ҳар томонлама ўрганиш унинг асосий сабабини аниқлаш, ўша жойдаги нуқсонни тезда бартараф этиш учун қулай имконият яратади. Ана шундай тақдирдагина юқоридаги тасодифлар қайта такрорланмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда рўй берган бирор-бир воқеа агар у одамлар уюшмасининг вакили киритилади. Группа уч кун давомида содир бўлган воқеани анализ қилиб, ўз хулосасини чиқаради. Шунга кўра у шу хусусда тўрт нусхада Н—1 формасини тўлдириб, уни маъмурият ҳукмига ҳавола этади. Ўз уч кун мобайнида группа хулосасини тасдиқлаши лозим. Н—1 формасининг бир нусхаси эса барча текширув материаллари билан корхона архивида 45 йил давомида сақланади.

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, баъзи корхона раҳбарлари жавобгарликдан қочиб рўй берган бахтсиз ҳодисаларни ими-жимида босди-босди қилиб юбормоқчи бўладилар. Бу охир-оқибат ёмон натижаларга олиб келиши мумкинки, унинг ниҳоясида жабрланувчи тегишли ёрдамдан маҳрум бўлиши, маъмурият эса нуфузли идоралар олдида қилмиши учун қаттиқ жавоб бериши мумкин.

Бахтсиз ҳодиса туфайли баъзи бир ва ундан ортиқ кишиларнинг жабрланиши (ўлиш) ҳоллари ҳам бўлади. Бундай вазиятда махсус текширув группаси ташкил этилади. Унга Марказий Комитетнинг меҳнат муҳофазаси бўйича назоратчиси ёки касаба уюшмаси кенгашининг вакили бошчилик қилади. Группа ўн кун давомида рўй берган вазиятни тўла аниқлаб, бу иш юзасидан керакли бўлган барча ҳужжатларни расмийлаштиради. Шуни унутмаслик керакки, тўлдирилган Н—1 формаси жабрланувчига лозим бўлган барча ёрдамларни беришда бирдан бир ягона юридик ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

К. ДАДАБОЕВ,
Тошкент область касаба уюшмасининг кенгашн меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимининг мудири.



Ёдномалар

У ЎҚИЁЛМАГАН САТРЛАР

Талабалардан шу гапни эшитдим-у, узоқ хаёлга чўмдим. Наҳотки... Ишонмадим. Умар Жўрипов билан ҳамшаҳар талабани учратганимда, у ҳам шу гапни такрорлаганида, кўзларимда ёш томчилари пайдо бўлди. Ўша куни ётоқхонада уни узоқ ўйладим. Газетага чиққан расмига қайта-қайта тикилиб қарадим.

Ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларида, у ўзи тугилиб ўсган Бахмал районининг газетасида жамоатчи мухбир эди. Газетада чиққан мақолалари жамланган альбомни варақлайман. Бу битикларидан у «Келажакда мухбир бўлмоқчиман», дегандек бўлади. «Нега ҳуқуқшунослик касбини танладингиз», деганимда «Афғонистонда бўлган ноҳақликларни ўз кўзим билан кўрганимдан сўнг шу қарорга келдим», дегандингиз. Умар ака, биласизми, анови куни хаёл устида, сиз яшаган ётоқхонага бориб қолибман. Бундан беш ой илгари борганимда эшик қулфланган, тақиллатганимда чиққан эдингиз. Мана, яна ўша эшикни тақиллатяпман, лекин... Ичкаридан садо йўқ... Тунов куни «Олой» бозоридаги ошхонада овқатланаётганимда шу жойдан ҳассангизни ўғирлаб кетган аёл ёдимга тушди. Ҳассасиз ҳафталаб қийналиб юрганларингиз-чи? Афғонистондан Қизил Юлдуз билан қайтганингизда, шифокорларнинг «Оёғингни у ёқда ярадор қилмагансан, баҳона қиляпсан» деганлари, сўнгра кесишга мажбур бўлганларини айтиб берганингизни эсласам юрагим сиқилади. Тошкент Давлат дорилфунунида ўқиётганингизда олдингизга бориб турардим.

Барибир ҳақиқатни излаб топдингиз. Кўча-кўйда учраширб қолсак доимо мен сиз ҳақингизда ёзган мақолани сўрардингиз. Мана, ниҳоят ёздим, лекин энди сиз йўқсиз. Хотираларингиз қолди, холос. Деразам токчасида турган суратингизга қайта-қайта тикиламан. У менга доимо олдимиздаги қарз ва бурчни эслатиб туради. Бошқа не илож?..

Ортиқ МАҲМАЮСУПОВ.

КЎЗ ЁШЛАРИНГ ТЎКМА...

(АФҒОНДА ШАҲИД КЕТГАН ЙИГИТ МАКТУБИ)

Ассалому алайкум онам,
Бу оламда зотн
муҳтарам.
Ўқиб берса шу хатни
укам,
Кўз ёшларинг тўкма,
онажон,
Енингдаман мангу,
жонажон!
Оппоқ сочинг ўйлаб
ўтдим мен,
Жанггоҳлардан қуйлаб
ўтдим мен,
Эл меҳрини сўйлаб
ўтдим мен,
Кўз ёшларинг тўкма,
онажон,
Енингдаман мангу,
жонажон!
Ўпиб қўйгнл тишлатган
нонинг,
Омон бўлсин онам,
имонинг.
Илтимосин тингла
ўғлонинг:
Кўз ёшларинг тўкма,
онажон
Енингдаман мангу,
жонажон!
Сен йиғласанг — олам
йиғлайди,
Тоғларим, ҳам далам
йиғлайди,
Фарёдингдан алам
йиғлайди,
Кўз ёшларинг тўкма,
онажон
Енингдаман мангу,
жонажон!

Пўлат НИШОНОВ.

ЭҲСОН

Узлуксиз «Наврўз» кўрсатувн тугаши биланоқ Наманганда «Эҳсон» деб аталган узлуксиз радиоэшиттиришлари бошланди. Ўзбекистон телевидениесидаги ҳамкасбларн ишини давом эттирган наманганлик радиожурналистлар вилоят аҳолисига мурожаат қилиб, уларни Афғонистонда ва армия хизматида ҳалок бўлган юртдошлари хотирасини абадийлаштириш, етимларга ва болалар соғлиғини муҳофаза қилишга моддий ёрдам кўрсатиш, бошқа меҳр-мурувват ҳаракатлари учун хайр-эҳсон қилишга чақирдилар.

Ҳаво [illegible] телефон номерлари ва махсус очилган ҳисоб рақамлари эълон қилиниши биланоқ, наманганликлар бу ишни астойдил қўллаб-қувватлаётганликлари маълум бўлди. Область алоқа бошқармаси «Ремдеталь» заводи ва «Намангангаз» бирлашмасининг жамоалари катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг ҳар бири минг сўм ва ундан кўпроқ пул ўтказдилар. Бошқа ташкилотлардан ҳам анча пул тушди.

(ЎзТАГ).





Ф. НОВИКОВ: «МАВСУМДАН УМИДИМ КАТТА»

● Эртага «Пахтакор» командаси Ленинградда маҳаллий «Зенит» билан СССР биринчилигининг 1-лига жамоалари ўртасидаги 21-мамлакат биринчилиги мусобақасини бошлайди. Сафар олдидан биз команда устози Ф. С. Новиков билан учрашиб, пахтакорчиларнинг бу йилги режалари хусусида суҳбатлашдик.

— Фёдор Сергеевич, сиз «Пахтакор» командасини қабул қилиб олдингиз, у ҳақдаги таассуротларингиз қандай?

— Команда ўтган йилги мавсумни 12-ўринда якунлади. Кўриниб турибдики, у ўз олдидаги вазифани бажаролмайди. Албатта, бунда устозларнинг кўп марта алмаштирилгани салбий таъсир кўрсатди. Жамоа билан тинмай ишлаш, изланиш кераклигини ҳис қилиб турибман.

— Бу йилги биринчиликка қандай тайёргарлик кўрилди?

— Машғулотларни юқори савияда ўтказиш учун спорт базамизда барча шароитлар мавжуд. Йигитларимиз амалий машқлар билан бирга, назарий билимларни ҳам эгаллашди.

— Командадаги ўзгаришлар ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз.

— Мухлислар Постнов, Ковшов, Муҳадов, Роткович, Синелобовлар бизда ўйнамасликларини билишса керак. Талъат Шейхамедов «Таврия» (Симферополь)да тўп суради. Земир Селимов эса Жиззах шаҳри футбол клубларидан бирига таклиф қилинди. Сафимизга чирчиқлик Василий Дёгтев қўшилди.

— Юқорида тилга олинган ярим ҳимоячиларнинг йўқлиги команда мавқеига сезиларли таъсир кўрсатди, деб ўйлайсизми?

— Йўқ, асло. Бизда ёш, умидли ўйинчиларимиз бор. Жумладан, спорт мактабидан келган Ойбек Усмонхўжаев, Жасур Абдураимов ва Веселовскийлар ўз лаёқатини синаб кўришади. Улар бўш келмайдилар. Бунга ишонаман. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу йил футболчиларни саралашда анча қийналдик. Сабаби, 2-лигадаги жамоалар яхши ўйинчиларни бизга беришни исташмаяпти.

— «Пахтакор» Фарғонада ўтган турнирда негадир бўш қатнашди...

— Мақсадимиз асосий составда ўйнайдиган футболчиларни аниқлаш эди. Биз мавсумга тайёрланиш жараёнида яна 11 маротаба ўртоқлик учрашувини ўтказдик. Шундан 9 галаба, 2 дуранг натижа қайд этилди.

— Демак, майдонга тушадиган ўйинчилар аниқ. Улар билан таништирсангиз.

— Марҳамат. Дарвозабонлар — А. Яновский, Е. Рахалин, Т. Безденежних. Ярим ҳимоячилар — Г. Денисов, М. Билолов, С. Тишин, А. Тихонов, У. Рўзимов. Ҳимоячилар — М. Қосимов, А. Пятницкий, Х. Оганесян, М. Кабаев, И. Шарипов, В. Дёгтев. Ҳужумчилар — И. Шквирин, А. Абдураимов, Р. Галиевлар.

— Олий ва биринчи лигалардаги ўзгаришларга муносабатингиз.

— Грузия ва Литва футбол жамоалари олий лигада қатнашишдан бош тортишди. Менимча, бу хато, албатта. Чунки кучлилар сафида ўйнамагач ҳар қандай команда, шу жумладан ўйинчилар ҳам ўз услубини йўқота бошлайди. Бу йил олий лигага тўрт команданинг чиқиши эса ҳар бир учрашувнинг жанговар ўтишидан далолат бериб турибди.

— Фёдор Сергеевич, «Пахтакор»ни бу йил олий лигада кўрамизми?

— Ҳозирча бирор нарса дейиш қийин. Аммо олдимизга шу вазифани қўйганмиз.

— Ўзбек халқида «Сиздан — ҳаракат, биздан — баракат» деган ажойиб мақол бор. Ўйлайманки, команда ниятига етиши учун мухлислар қўллаб-қувватлашади.

— Очиғи, мен улардан ҳафаман. Чунки бировдан гина қилиш осон. Мана, бир неча ой давомида Қизбрай спорт базамизда машқлар ўтказдик. Шу пайтгача бирорта мухлис келиб, команда раҳбарлари ёки ўйинчилар билан мулоқотда бўлмади. Олдиндан хатоларимизни айтиш, мулоҳаза билдириш мумкин эди-ку. Бу фикрим мухбирларга ҳам тааллуқли. Шахсан мен мухлислар билан учрашувни кўп кутдим.

Биз ҳар бир ўйинни уюшқоқлик билан ўтказишга ҳаракат қиламиз.

Суҳбатдош О. ЮСУПОВ.

Сўз—мухлисларга

ҲАҚИҚИЙ ИШҚИБОЗ БЎЛАЙЛИК

ЕШЛИГИМДА бир неча йил мобайнида «Восток» спорт клубининг болалар ва ўсмирлар командаси сафида, шаҳар биринчилиги ўйинларида иштирок этганман. Ўша кезлари бўш қолдик дегунча, тенгқурларим билан ўйин бўлиш-бўлмаслигидан қатъий назар «Пахтакор» стадионига ошиқардик. Кичик футбол майдонидаги ўқув машқларини кўриш биз учун катта бахт эди. Чунки мақорат билан ишқибозлар ҳурмат-эътиборини қозонган Геннадий Красницкий, Бородар Абдураимов, Ҳамид Раҳматуллаев, Тўлаган Исоқов, Владимир Штерн, Юрий Пшеничников каби футболчиларнинг қойилмақом қилиб тўп суришларига қойил қолиб, тақлид қилардик. Кейинчалик улар ўрнини Сергей Покатилов, Олим Аширов, Юрий Загуменних, Равил Агишев, Владимир Корчёнов, Михаил Ан, Владимир Федоров, Шуҳрат Эшбўтаев ва Виктор Чуркин сингари истеъдодли ёшлар эгаллади.

Хўш, нега «Пахтакор» эндиликда ўртамиёна жамоалар қаторига тушиб қолди? Бунинг бир қанча сабаблари бор. Биринчидан, жумҳуриятимизнинг аксарият командаларида техник ва тактик жиҳатдан яхши тайёргарлик кўрган талайгина иқтидорли футболчилар бўла туриб, ҳамон четдан ўйинчиларни таклиф қилаяпмиз. Иккинчидан, биз, футбол мухлислари севимли командамизнинг манфаатларини қўллаб-қувватлаш, унинг аввалги шон-шуҳратини тиклаш учун етарли қайғурмай қўйдик. Менимча, ҳақиқий футбол ишқибози ҳар қандай вазиятда ҳам севимли командасига мадад бериш учун стадионга келиб, унинг қайғу ва қувончларига шерик бўлади. Футбол шунинг учун ҳам футболдир: кимдир ютади, кимдир ютқазади. Команда мағлубиятга учраса ёки дуранг ўйнаса, ранжиб, асабни бузиш эмас, балки рақибнинг чиройли ўйинига тан бериш керак.

Мен ўз ҳаётимни футболсиз тасаввур қила олмайман. Бу муболаға эмас, балки айни ҳақиқат. Футбол жон-дилим ва юпанчим. Шу боисдан ҳозирги вақтга қадар «Пахтакор»нинг барча календарь ўйинлари ва ўртоқлик учрашувларини сабабсиз қолдирмаганман ва қолдирмайман ҳам. Чунки бундан олам-олам завқ оламан.

И. ЗОИРОВ,
Чилонзор районидаги «Журнальная» кўчасида яшовчи.

ЧИРОЙЛИ ЎЙИНЛАР КУТАМИЗ

ЎЙЛАБ ҚАРАЛСА, 21 йил ҳазилакам вақт эмас. Бу давр ичида 1-лига жамоалари ўртасида ўтказилаётган турнир ўзининг энг яхши хусусиятларини намоён этди, мутахассислар ва ишқибозларнинг ҳурмат-эътиборини қозонди.

Жумҳуриятимизнинг етакчи жамоаси — «Пахтакор» ҳам мана бир неча йилдирки 1-лига ўйинларида иштирок этиб келмоқда. Афсуски, севимли командамизнинг «меҳмон» бўлиб қолиши ҳеч тугамаётир. Кейинги пайтларда бош тренерларнинг тез-тез алмаштирилиши оқибатида «Пахтакор» ўртамиёна футбол клуби даражасига тушиб қолди. Ўзингиз ўйланг, 5 йилда 5 бош тренер: И. Секеч, В. Тихонов, Б. Абдураимов, В. Носов ва Ф. Новиковлар командага келди. Иттифоқимиз футбол клубларининг бирортасида бундай бўлганини эслолмаймиз.

Шу ўринда бир эътиборга лойиқ маълумотни айтиб ўтиш лозим. Футбол ҳисоб-китобини олиб борувчи мутахассислар олий лига тузилганидан бери унда қатнашиб, энг яхши кўрсаткичларни қўлга киритган 25 командининг рўйхатини тузишди. Унга кўра жами 21 мавсумда иштирок этган «Пахтакор»чилар ўртача 12,7 ўринни эгаллаган. Бу эса турнирдаги жамоалар ўртасида 22-ўринни қўлга киритиш имкониятини беради.

Ҳа, етакчи командамизнинг ўтмиши жуда ёрқин бўлганди. Ўзига хос анъаналари ва Ватанимизнинг ҳар бир бурчагида ўз мухлислари бор эди. Команда ҳатто ютқазаётганда ҳам охиригача курашар, ҳужумкорлик руҳи сезилиб турарди. Шу сабабдан ишқибозлар «Пахтакор» қайси лигада бўлганидан қатъи назар, уни доимо қўллаб-қувватлаб, стадионни тўлдирганлар. Яна шундай вақтлар келишига ва аввалги ўйин тикланишига имоним комил. Б. Абдураимов команда бошлиғи этиб тайинланиши кўпчиликда умид уқунларини уйғотди.

Бу мавсумда олий лигага 4 жамоа йўлланма олади. Улар орасида бир неча йил «Спартак» (Москва) командаси, иқтидорли тренер К. Бесков қўл остида маҳорат сирларини ўрганган, РСФСРда хизмат кўрсатган тренер Ф. Новиков раҳбарлигидаги «Пахтакор» ҳам бўлишига умидвормиз.

Д. ИСРОИЛОВ,
ҳизматчи.

ЯШИЛ МАЙДОНЛАРДАГИ БЕЛЛАШУВЛАР

ФУТБОЛИМИЗ келажаги [illegible] қўлида! Ҳар йили баҳорда Тошкент шаҳар спорт комитети ва Футбол федерацияси томонидан ташкил этилаётган тезкор турнир бу саволга қисман бўлса ҳам жавоб беради.

Навбатдаги баҳслар «Трактор», «Меҳнат резервлари», «Динамо», «Авиақурувчи» ҳамда Ҳамза район[illegible]даги 77-мактаб стадионларида ўтказилди. Яшиллик барқ уриб турган майдонларга 1975/79 йилларда туғилган болалар тушишди.

Ёш футболчиларнинг мавсумга тайёргарлигини текшириб кўриш имкониятини берган турнир бир кунда якунланиб, 1-ўринни қўлга киритган команда Кубок билан тақдирланди.

* * *

В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида турли мусофаларга югуриш, ота-оналар иштирокидаги беллашувлар ва бошқа тадбирлар орқали жисмоний тарбия ва спорт оммавийлиги таъминланмоқда. Шу ўринда корхонанинг машҳур ихтирочиси Борис Лисунов хотирасига уюштирилаётган анъанавий турнир ҳам катта аҳамиятга эга бўлаётганини таъкидлаш зарур.

Бу гал майдонга 1978/79 йилларда туғилган болалар тушишди. Фрунзе, Бобиджон, Новосибирск шаҳарларидан келган меҳмонлар билан беллашувда пойтахтимиздаги «Старт» спорт клубининг вакиллари маҳорат кўрсатдилар. В. Султонов устозлик қилаётган бу жамоа ҳужумкорлик руҳида ўйнаб, рақибларни доғда қолдирди.

Финалда майдон эгалари ва новосибирсклик ёш футболчилар учрашишди. Баҳс 2:2 ҳисобида тугаган бўлса-да, «Старт» командаси тўплар нисбатига кўра турнир ғолиби бўлди.

* * *

Пойтахтимиздаги олий ўқув юртларида таълим олаётган талабалар ўртасидаги шаҳар спартакиадаси давом этаяпти.

Шуни таъкидлаш зарурки, спортнинг бу тури бўйича ташкил этилган турнирда 16 команда 4 группага бўлинган ҳолда куч синашдилар. Барча турларда уюшқоқлик намуналарини кўрсатган Тошкент Давлат Жисмоний тарбия институти ҳамда Тошкент тиббиёт институти жамоалари финалга йўлланма олишди. Учрашув 1:2 натижа билан якунланди.

Шундай қилиб, Тошкент тиббиёт институти вакиллари жумҳурият спартакиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Ш. САЪДУЛЛАЕВ.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Қабул пунктларида

Г. Скубилиннинг «ДИПЛОМАТ» ОПЕРАЦИЯСИ» («Операция «дипломат») ва Ж. Сименоннинг «СУДЬЯНИНГ УЙИ» («Дом судьи»), шунингдек Ғарбий Европа халқларининг эртакларидан иборат «СИЗГА ЭРТАК АЙТАМАН...» («Расскажу вам сказку»), ҳамда Д. Мордовцевнинг «КИМНИНГ АЙБЛАРИ УЧУН? БУЮК ПАРЧАЛАНИШ» («За чьи грехи? Великий раскол») КИТОБЛАРИ ТАРҚАТИЛАДИ.

6 апрелда Г. Скубилиннинг «ДИПЛОМАТ» ОПЕРАЦИЯСИ» китоби ҳар бир қабул пунктида 20 нусхадан;

7 апрелда Ж. Сименоннинг «СУДЬЯНИНГ УЙИ» китоби ҳар бир қабул пунктида 100 нусхадан тақсимланади.

«СИЗГА ЭРТАК АЙТАМАН» китобига 8 апрелда ҳар бир қабул пунктида 200 та, 21 ва 22 апрелда эса 150 тадан абонемент тарқатилади.

Д. Мордовцевнинг «КИМНИНГ АЙБЛАРИ УЧУН? БУЮК ПАРЧАЛАНИШ» **китобига 14 ва 15 апрелда ҳар бир қабул пунктида 200 тадан абонемент тарқатилади.**

Г. СКУБИЛИН ва Ж. СИМЕНОНнинг китоблари бир йўла 20 килограмм қоғоз чиқинди топширганларгагина берилади.

Г. Скубилиннинг «ДИПЛОМАТ» ОПЕРАЦИЯСИ» китобининг баҳоси — **2 сўм 80 тийин.**

Ж. Сименоннинг «СУДЬЯНИНГ УЙИ» **китобининг баҳоси — 4 сўм 50 тийин.**

Топширилган қоғоз чиқиндисининг нархи китоб нархига қўшиб ҳисобланади.

«СИЗГА ЭРТАК АЙТАМАН» **ва Д. Мордовцевнинг «КИМНИНГ АЙБИ БИЛАН? БУЮК ПАРЧАЛАНИШ» китобларига абонементлар бир йўла 10 килограмм қоғоз чиқиндиси топширилгач ва абонемент олинганидан кейин ҳаммаси бўлиб 20 килограмм қоғоз топширилгандан кейин берилади.**

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЙЁРЛОВ КОРХОНАСИ.

ДИҚҚАТ!

Сув қувурлари тармоқларида таъмирлаш — тузатиш ишлари амалга оширилиши ва 1990 йил баҳорги — ёзги мавсумга тайёргарлик муносабати билан

«ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ

ШАҲАР СУВ ТАРМОҚЛАРИ АБОНЕНТЛАРИГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

11 АПРЕЛЬ СОАТ 9.00 дан то 21.00 гача
КИРОВ НОҲИЯСИнинг Ж. Обидова кўчаси бўйлаб ва унга уланган Тимирязев, Чита, Шаҳристон, гвардия полковниги Хўжаев ва унга уланган кўчаларда, София проспекти, Энгельс кўчасида қисман

СОВУҚ СУВ БОСИМИ КАМАЯДИ

КИРОВ НОҲИЯСИНИНГ Ж. Обидова, Тимирязев кўчаларида сув бўлмайди.
10 АПРЕЛЬ СОАТ 9.00 дан 11 АПРЕЛЬ СОАТ 9.00 гача
ЧИЛОНЗОР НОҲИЯСИнинг «Алгоритм» даҳаси, 1, 2 кварталлар, «Қизил Шарқ» даҳаси, йўл бўйидаги абонентлар, Катта Ўзбек тракти, Ғ. Ғулом, Я. Купала ва уларга уланган кўчаларда

СУВ БОСИМИ КАМАЯДИ

ЧИЛОНЗОР НОҲИЯСИ Халқа йўлининг Я. Купала, Катта Ўзбек тракти билан кесишган кўчалар, Калинин ноҳияси маркази ва унга яқин маҳаллаларда

СУВ ТЎХТАТИЛАДИ

11 АПРЕЛЬ СОАТ 9.00 дан 12 АПРЕЛЬ СОАТ 9.00 гача
Ленин ноҳиясининг Локомотив, Стародубцев, темир йўл, Сариқўл, Мирсолиҳов кўчалари ва Гайдар кўчасининг уларга туташган қисмида;

Сергели ноҳиясининг Б. Хмельницкий, Полевая, Чоштепа ва унга яқин мавзеларда сув босими камаяди.

Ленин ноҳияси Локомотив кўчаси, унга уланган турар жой майдонлари, Сергели ноҳиясининг Ивановолик тўқувчилар мавзеси, Полевой кўчасидаги хусусий сектор, Питомная, Физкультурная, Грузовая ва унга уланган кўчаларда

СУВ ТЎХТАТИЛАДИ

11 АПРЕЛЬ СОАТ 21.00 дан
13 АПРЕЛЬ СОАТ 21.00 гача
Киров ноҳиясининг Ж. Обидова, Тимирязев, Чита, Шаҳристон, гвардия полковниги Хўжаев ва унга уланган кўчаларда;

Куйбишев ноҳиясининг Черданцев — 1 даҳаси (қисман), Красновосточная, М. Горький, Ж. Обидова, Чермет кўчаларининг чегаралари;

Октябрь ноҳиясининг У. Юсупов, Абдураҳмонов ва унга уланган кўчаларда

СУВ БОСИМИ КАМАЯДИ

Киров ноҳиясининг Ж. Обидова кўчаси бир қисми, гвардия полковниги Хўжаев ва унга уланган кўчаларнинг бир қисмида;

Куйбишев ноҳиясининг Транспорт ва Ж. Обидова кўчасидаги турар жой биноларида

СУВ БЎЛМАЙДИ

12 АПРЕЛЬ СОАТ 9.00 дан
13 АПРЕЛЬ СОАТ 9.00 гача
Собир Раҳимов ноҳиясининг 1/1, 1/2, 1/3, 1/4, 2/1, 2/3 «Қорақамиш» мавзеси, Сағбон кўчасида

СУВ БОСИМИ КАМАЯДИ

Собир Раҳимов ноҳиясининг Сағбон кўчаси бўйлаб Ленинчи, Дадабоев, А. Юнусов ва унга уланган кўчаларда

СУВ ТУХТАТИЛАДИ

Сув тўхтатилган жойларга автомашиналарда сув олиб борилади.

Маълумотлар учун телефон: 33-15-95, 33-75-95, 56-60-06.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИНИНГ

«ОЛИЙ МАТЕМАТИКА» ҚАФЕДРАСИ
ЎЗБЕКИСТОН ВИЛОЯТЛАРИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН
В. И. Ленин туғилган кунининг 120 йиллигига бағишлаб анъанавий XVII — жумҳурият

МАТЕМАТИКА
ОЛИМПИАДАСИНИ ЎТКАЗАДИ

1-ТУР — 8 апрель (якшанба) соат **9.00да.**
2-ТУР — **9 апрель** (душанба) **соат 9.00 да.**
Олимпиадада 10—11 синф ўқувчилари иштирок этадилар.

Тошкент шаҳридаги иштирокчилар кафедрада рўйхатдан ўтишлари, вилоятдагилар олимпиада иштирокчиларининг сони кўрсатилган хатларни олдиндан юборишлари керак.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Улар ўзлари билан паспорт, дафтар, ручка, қалам ва чизғич олиб келишлари зарур.

1-ТУР ҒОЛИБЛАРИГИНА 2-ТУРДА ИШТИРОК ЭТАДИЛАР.

ҒОЛИБЛАРНИ СОВҒАЛАР ВА ФАХРИЙ ЁРЛИҚЛАР КУТМОҚДА.

11-синф ғолиблари Тошкент автомобиль йўллари институтига имтиёзли равишда ўқишга киришлари мумкин. Агар улар кириш имтиҳонларини топширишда, бошқалар билан тенг балл тўпласалар, мандат комиссиясида уларга ўқишга кириш ваколати берилади.

Манзилгоҳимиз: 700047, Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 32-уй, «Олий математика» кафедраси, 109—112 хоналар.

Ўзбекистон ССР Маданият нозирлиги
М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
16 апрель соат 19.30 да

УСТОЗ ВА ШОГИРД САНЪАТИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Бобомурод ҲАМДАМОВнинг
30 ЙИЛЛИК ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН
КОНЦЕРТ
ПРОГРАММАДА:
«ЛАЗГИ» ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ
хонандалар: Каримбой РАҲМОНОВ, Уктам АҲМЕДОВ, Қодир ЖЎРАЕВ иштирок этадилар.
Программани Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан сотилади.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
17, 18, 19 АПРЕЛЬ СОАТ 17.00 ВА 20.00 ДА
«КАМОЛОТ-89» конкурсининг ғолиблари
МУҲРИДДИН ХОЛИҚОВ ВА ОХУН МАДАЛИЕВ ИШТИРОКИДА
«ДЎСТЛАР КУЙЛАГАНДА ВА КУЛДИРГАНДА»
КОНЦЕРТИ
Касса соат 11.00 дан 19.00 гача ишлайди.
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-93-63, 44-18-12.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 6/IV да **Раймонда**, 7/IV да **Оловли фариштa.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/IV да **А. Қодирийнинг ўтган кунлари**, 7/IV да **Жар.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/IV да **Анқовлар чайқови**, 7/IV да **Мансаб майдони.**

КИНО

6 АПРЕЛДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ҚОРА ШАҲЗОДА» (катта зал, 18.30, 20.40); «ҚОРА ШАҲЗОДА» (кичик зал, 17, 19.30).

Чайка — «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА», «ҚОЧИШ» (17.30 20.45).

Москва — «СЕВИМЛИ РОЖА» (18.20, 20.40).

Восток — «СЕВИМЛИ РОЖА» (18.30, 20.45).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «СЕВГИ ҲАҚИДА ГАПЛАШМАЙЛИК» (жуфт соатларда).

К. Ерматов номли — «ҚАСОС ВА ҚОНУН» (18.30, 21.00).

7, 8 АПРЕЛДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ҚОРА ШАҲЗОДА» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.40); «ҚОРА ШАҲЗОДА» (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Чайка — «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА», «ҚОЧИШ» (11, 14.15, 17.30, 20.45).

Москва — «СЕВИМЛИ РОЖА» (11, 13.30, 16, 18.20, 20.40)

Восток — «СЕВИМЛИ РОЖА» (11, 13.30, 16, 18.20, 20.45).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «СЕВГИ ҲАҚИДА ГАПЛАШМАЙЛИК» (жуфт соатларда).

К. Ерматов номли — «ҚАСОС ВА ҚОНУН» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«ЎЗБЕКТЕЛЕФИЛЬМ»
қошидаги
«ТЕЛЕТОН»
КООПЕРАТИВИ
ТУГАТИЛДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 69-уй, «Ўзбектелефильм». Телефон 41-98-14.

«ТЕЛЕТОН» кооперативи.

«СОЮЗРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Тошкент давлат дорилфунунининг
МАДАНИЯТ САРОЙИДА
12 АПРЕЛЬ СОАТ 19.00 да
КОНЦЕРТ
ҚАТНАШАДИЛАР:
Лирик хонанда
Бахтиёр ХОЛХЎЖАЕВ
хонандалар: Абдурашид МУСТАФАҚУЛОВ, Фарҳод МУҚИМОВ.
Билетлар маданият саройининг кассаларида сотилмоқда.
Қўнимгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ТошДУ Маданият Саройи. Телефон 46-39-55.

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети томонидан **Марайимов Абдуҳолиқ Зоирович** номига берилган ПВ-826395 номерли йўқолган
ДИПЛОМ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 85-ўрта мактаб томонидан **Тўлаганова Махбуба Турсуновна** номига берилган 305235 номерли йўқолган
8-СИНФНИ ТУГАТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов районидаги Куйбишев номли 1-ўрта мактаб томонидан **Мирзаҳмедов Анвар Миркамалович** номига берилган 261549 номерли йўқолган
ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигига қарашли Бадиий конструкторлик бюроси жамоаси таъминот бўлимининг бошлиги К. З. Зокировга отаси
Зокиржон ҲАСАНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Собир Раҳимов ноҳияси халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси 249-мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси **Кундузхон Шамсиевна МАҚСУДОВАнинг**
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Октябрь ноҳияси озиқ-овқат савдо ташкилоти маъмурияти 24-дўкон бўлим бошлиғи Р. Тешабоевга умр йўлдоши
Моҳри ТЕШАБОЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. — 04189.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.